
**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
JOURNAL OF LAW RESEARCH

2019 №4



TOSHKENT-2019

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований //
Journal of law research

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 22.06.2017 йилда,
1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.
Зарегистрировано свидетельством # 1175 от 22.06.2017г.
Агентством печати и информации Республики Узбекистан
The journal of law research was registered by the certificate # 1175 from 22.06.2017.
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

Бош муҳаррир
Главный редактор
Chief Editor
проф. д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Кумринисо Раимқулловна

Бош муҳаррир ўринбосари
Заместитель главного редактора
Deputy Chief Editor
к.ю.н., доцент
(Candidate of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали таҳририй
маслаҳат кенгаши

International Editorial Board of the journal
Международный редакционный совет журнала
"Правовые исследования"

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

Ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
Ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда
Ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза
Ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
Ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto
(Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

Ю. ф. д. Гулчехра Маликова
Ю. ф. д. Хусанов Озод
Ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
Ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee
(South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юримдик фанлар доктори, профессор Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой, Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат, Шомухамедова Замира, Баратов Миродил, Бобоқул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юримдик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ғсанова Замира Нормуродовна, Ғгамбердиев Эминжон, Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

Ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна, ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич, ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб (Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич (Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович, Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович, ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич (Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ) д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская Федерация)

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход, ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин, ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат Раҳмаджонович (Республика Таджикистан), д.ю.н., проф. Елене Антония Александровна (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Жансараява Рима Ернатовна (Республика Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин, ю.ф.д., проф. Тулаганова Гулчехра Заҳитовна, ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany), д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич (Российская Федерация), Проф. Рыжаков Александр Петрович (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

Ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик, ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра, ю.ф.н., проф. Юлдашева Говержан

Alexander Trunk (Germany)

Намра тайёрловчи: Ҳамидов Нурмуҳаммад

**Контакт Редакция журнала Правовых исследований:
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**

**Editorial staff of the journal Law Research:
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehriyigo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz Phone: (+998-94) 404-0000**

Файзуллаева Нигора,

Доктор философии юридических наук



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-1>

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО ПО ЗАЩИТЕ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ КАК ПРОГРЕССИВНЫЙ ИНСТИТУТ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

Аннотация: статья посвящена вопросам международно-правовой защиты культурных ценностей. Автор дает обзор международных документов и механизмов по защите культурных ценностей, определяет важнейшие направления сотрудничества в данной сфере, а также отмечает ряд проблем в данной сфере.

Ключевые слова: культурные ценности, культурное наследие, охрана и уважение культурных ценностей, ЮНЕСКО.

Fayzullaeva Nigora,

PhD in Law

INTERNATIONAL COOPERATION ON PROTECTION OF CULTURAL VALUES AS A PROGRESSIVE INSTITUTE OF INTERNATIONAL LAW

Annotation: the article is devoted to the issues of international legal protection of cultural property. The author gives an overview of international documents and mechanisms for the protection of cultural property, identifies the most important areas of cooperation in this area, and also notes a number of problems in this area.

Key words: cultural values, cultural heritage, protection and respect for cultural values, UNESCO.

Fayzullaeva Nigora,

PhD (Юридик фанлар номзоиди)

МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ПРОГРЕССИВ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА

Аннотация: Мақола маданий мулкни халқаро-ҳуқуқий Ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган. Муаллиф маданий мулкни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳужжатлар ва механизмларни кўриб чиқди, ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларини аниқлайди, шунингдек, бу соҳада бир қатор муаммоларни қайд этди.

Калит сўзлар: маданий қадриятлар, маданий мерос, маданий қадриятларни Ҳимоя қилиш ва ҳурмат қилиш, ЮНЕСКО.

For citation: Fayzullaeva Nigora. INTERNATIONAL COOPERATION ON PROTECTION OF CULTURAL VALUES AS A PROGRESSIVE INSTITUTE OF INTERNATIONAL LAW. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 4-9

Международное культурное сотрудничество государств предусматривает сотрудничество в деле защиты культурных ценностей. Культурные ценности играют важнейшую роль в развитии образования, науки, культуры, а также в обогащении культурной жизни народов и взаимного сотрудничества.

За последние несколько лет вооруженные конфликты и природные катастрофы сильно повреждают или разрушают культурные ценности. Культурные ценности оказываются в большой опасности, в первую очередь, в период военных действий. Они подвергаются разрушению, уничтожению, захвату, конфискации и пр. Поэтому проблемы учета, охраны и использования памятников истории и культуры стали особенно остро осознаваться обществом в настоящее время. В сложившихся условиях неизмеримо возрастает роль международного права и национального законодательства, регулирующих само существование культурного наследия.

Культурными ценностями считаются независимо от их происхождения и владельца:

(а) ценности, движимые или недвижимые, которые имеют большое значение для культурного наследия каждого народа, такие, как памятники архитектуры, искусства или истории, религиозные или светские, археологические месторасположения, архитектурные ансамбли, которые в качестве таковых представляют исторический или художественный интерес, произведения искусства, рукописи, книги, другие предметы художественного, исторического или археологического значения, а также научные коллекции или важные коллекции книг, архивных материалов или репродукций ценностей, указанных выше;

(б) здания, главным и действительным назначением которых является сохранение или экспонирование движимых культурных ценностей, указанных в пункте "а", такие, как музеи, крупные библиотеки, хранилища архивов, а также укрытия, предназначенные для сохранения в случае вооруженного конфликта движимых культурных ценностей, указанных в пункте "а";

(в) центры, в которых имеется значительное количество культурных ценностей, указанных в пунктах "а" и "б", так называемые "центры сосредоточения культурных ценностей".[1]

Международная охрана культурных ценностей основывается на двух основополагающих принципах в данной области. Согласно первому принципу, ущерб, причиненный культурным ценностям каждого народа - это ущерб, причиненный культурному наследию всего человечества, так как каждый народ вносит свой вклад в мировую культуру. Согласно второму - защита культурных ценностей должна быть организована еще в мирное время с принятием соответствующих как национальных, так и международных мер. Помимо выработки международных конвенций в данной области, нужно также выработать меры по их выполнению.

Важно отметить, что в действующих международно-правовых документах в основном употребляются два термина: "культурное наследие" и "культурные ценности". В современном международном праве под "культурным наследием" понимаются те объекты культуры, которые обладают особой ценностью с точки зрения археологии, истории, искусства или науки. Под "культурными ценностями" понимается движимое и недвижимое имущество, имеющее большое значение

для культурного достояния каждой страны (в первую очередь - произведения искусства и архитектуры, рукописи, книги и другие предметы, представляющие интерес с точки зрения искусства, истории или археологии, этнологические документы, типичные образцы флоры и фауны, научные коллекции и важные коллекции книг и архивных документов).

Культурные ценности находятся под охраной как внутригосударственного, так и международного права. Международное сотрудничество государств необходимо для обмена опытом, для оказания необходимой помощи, для предотвращения уничтожения и борьбы с хищениями культурных ценностей. Международное сотрудничество государств по охране культурных ценностей - часть международно-правовых отношений, регулируемых нормами современного международного права.

Сегодня защита культурных ценностей - одно из важнейших направлений международного сотрудничества. Согласно Д.Виденееву, защита культурных ценностей - важнейший прогрессивно развивающийся международно-правовой институт.[2] В подтверждение можно привести огромное количество документов, как обязательного, так и рекомендательного характера, по вопросам защиты культурных ценностей, в частности:

- Конвенция о защите культурных ценностей в случае вооруженного конфликта ("Гаагская конвенция") и Исполнительный регламент;
- Протокол к Конвенции, Резолюции Конференции (14 мая 1954 г.);
- Второй Протокол к Конвенции (26 марта 1999 г.)
- Конвенция о мерах, направленных на запрещение и предупреждение незаконного ввоза, вывоза и передачи права собственности на культурные ценности (14 ноября 1970 г.)
- Конвенция об охране всемирного культурного и природного наследия (16 ноября 1972 г.)
- Конвенция об охране подводного культурного наследия (6 ноября 2001 г.)
- Рекомендация, определяющая принципы международной регламентации археологических раскопок (5 декабря 1956 г.)
- Рекомендация, касающаяся наиболее эффективных мер обеспечения общедоступности музеев (14 декабря 1960 г.)
- Рекомендация о сохранении красоты и характера пейзажей и местностей (11 декабря 1962 г.)
- Рекомендация о мерах, направленных на запрещение и предупреждение незаконного вывоза, ввоза и передачи права собственности на культурные ценности (19 ноября 1964 г.)
- Рекомендация о сохранении культурных ценностей, подвергающихся опасности в результате проведения общественных или частных работ (19 ноября 1968 г.)
- Рекомендация об охране в национальном плане культурного и природного наследия (16 ноября 1972 г.)
- Рекомендация о международном обмене культурными ценностями (26 ноября 1976 г.)
- Рекомендация о сохранении и современной роли исторических ансамблей (26 ноября 1976 г.)
- Рекомендация об охране движимых культурных ценностей (28 ноября 1978 г.)

- Рекомендация об охране и сохранении движущихся изображений (27 октября 1980 г.)

- Рекомендация о сохранении фольклора (15 ноября 1989 г.)

Вышеуказанными документами, в частности, в Конвенции о защите культурных ценностей в случае вооруженного конфликта 1954 г., предусмотрена как общая, так и специальная защита культурных ценностей.

Общую защиту культурных ценностей Конвенция 1954 г. разграничивает на два основных вида - охрану и уважение. Когда речь идет об охране, то подразумеваются только культурные ценности, находящиеся на территории государства, берущего на себя соответствующее правовое обязательство. При уважении же имеются в виду культурные ценности, находящиеся как на своей, так и на неприятельской территории.

Особую важность в ряду мероприятий по охране культурных ценностей приобретает их специальная защита. В отличие от общей защиты, которая предполагает принятие определенных мер и неиспользование культурных ценностей для военных целей, здесь имеется в виду повышенная степень защиты, которая распространяется на культурные ценности, находящиеся под режимом иммунитета по отношению к воюющим сторонам. Этот иммунитет выражается не только в воздержании "от использования таких объектов и ценностей и прилегающих к ним участков в военных целях", но и в воздержании "от любого враждебного акта, направленного против них".

Тем не менее, давая высокую оценку юридической технике, использованной при разработке Конвенции о защите культурных ценностей в случае вооруженного конфликта 1954 г., тем не менее, следует констатировать отсутствие должного механизма ее соблюдения, о чем свидетельствуют нарушения этого важного международно-правового акта в ходе происшедших и происходящих в настоящее время вооруженных конфликтов.[3] В этой связи следует отметить, что практика показывает, что существующие на данный момент международно-правовые акты по защите культурных ценностей, особенно в случае вооруженного конфликта, во многом не совершенны и, очевидно, что процесс их эволюции не является завершенным.

Одним из важнейших направлений сотрудничества в сфере защиты культурных ценностей является защита культурных ценностей от незаконного оборота. Оборот материальных культурных ценностей незаконный оборот культурных ценностей стал вторым по масштабам после "черного рынка" нелегальной продажи наркотиков и оружия.[4] Вместе с тем, современное международное право, признавая принципиальную значимость противодействия незаконному вывозу культурных ценностей, отличается в этой части большой степенью декларативности, не содержит четко разработанных практических мер по организации борьбы с данным негативным явлением, делая во многом акцент на проблеме защиты культурных ценностей во время вооруженных конфликтов. Как показывает анализ международно-правовых актов, весьма слаба имеющаяся конвенционная система противодействия незаконному вывозу объектов культурного наследия, рекомендации ЮНЕСКО соблюдаются далеко не всегда и не в полной мере.

Еще одним важным направлением стала охрана нематериального культурного наследия. "Нематериальное культурное наследие" означает обычаи, формы

представления и выражения, знания и навыки, - а также связанные с ними инструменты, предметы, артефакты и культурные пространства, - признанные сообществами, группами и, в некоторых случаях, отдельными лицами в качестве части их культурного наследия. Такое нематериальное культурное наследие, передаваемое от поколения к поколению, постоянно воссоздается сообществами и группами в зависимости от окружающей их среды, их взаимодействия с природой и их истории и формирует у них чувство самобытности и преемственности, содействуя тем самым уважению культурного разнообразия и творчеству человека.[5]

Помимо международно-правовой базы сотрудничество по защите культурных ценностей, сложилась также система международных механизмов по защите культурных ценностей. Несомненно, особое место среди международных организаций в системе охраны культурного наследия занимает ЮНЕСКО (UNESCO - United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization) - Организация Объединённых Наций по вопросам образования, науки и культуры. В 1972 году ЮНЕСКО принята Конвенция "О сохранении культурного и природного наследия". С этого момента и началась история сохранения и популяризации объектов, имеющих исключительное значение для всего человечества. В исполнение данной конвенции был создана Система, в которую входят четыре структуры:

- Фонд Всемирного наследия ЮНЕСКО - согласно соответствующим статьям Положения о финансах, является целевым фондом.

- Комитет Всемирного наследия - межправительственный Комитет в составе 21 представителя, которые отвечают за выполнение Конвенции об охране Всемирного наследия.

- Центр Всемирного наследия ЮНЕСКО - является по своим функциям секретариатом Комитета Всемирного наследия.

- Бюро Всемирного наследия - в его состав входят 7 членов Комитета Всемирного наследия. На заседаниях Бюро Всемирного наследия, которые проводятся 2 раза в год накануне регулярной сессии, проходит подготовительная работа Комитета Всемирного наследия.

В Систему международных организаций по сохранению культурного наследия также входят:

ИККРОМ (ICCROM) - Международный исследовательский центр по сохранению и реставрации культурных ценностей - межправительственный орган, осуществляющий экспертную поддержку по сохранению объектов, включенных в Список Всемирного наследия, а также проводящий тренинги по реставрационным технологиям. Центр создан в 1956 году, находится в Риме. Является активным членом информационной сети Всемирного наследия.

ИКОМ (ICOM - International Council of Museums) - Международный совет музеев, основанный в 1946 году с целью развития и поддержки музеев и их сотрудников на международном уровне. Совет был инициатором создания информационной сети Всемирного наследия.

ИКОМОС (ICOMoS - International Council on Monuments and Sites) - Международный совет по охране памятников и исторических мест основан в 1956 году, после принятия Венецианской хартии, с целью поддержки идеи и методики охраны памятников и достопримечательных мест. Совет осуществляет оценку объектов, предлагаемых к включению в Список Всемирного наследия, а

также сравнительный анализ, техническую поддержку и составление периодической отчетности о состоянии включенных в Список объектов. Совет является одним из ведущих членов информационной сети Всемирного наследия.

МСОП (IUCN - Internationale Union for Conservation of Nature) - Международный союз охраны природы и естественных богатств - международная неправительственная организация, осуществляющая подготовку рекомендаций Комитету Всемирного наследия по включению в Список объектов природного наследия, а также готовящая отчеты о состоянии сохранности включенных в Список объектов через международную сеть специалистов. МСОП был создан в 1948 году, расположен в Швейцарии. В МСОП насчитывается более 850 членов.

ОГВН (OWHC) - Организация городов Всемирного наследия - организация, основанная в 1993 году для развития сотрудничества между городами Всемирного наследия, в особенности в рамках выполнения Конвенции. Проблема современной, более эффективной защиты культурных ценностей становится все более и более актуальной в нашем обществе из-за последних конфликтов в мире

Наряду с совершенствованием международно-правовой базы противодействия незаконному обороту объектов культурного наследия необходимо и изменение сложившихся организационных основ борьбы с данными правонарушениями. [6]

Культурные ценности следует защищать как в мирное, так и военное время. При этом, Виденев отмечает, что следует принимать меры по их защите также и в постконфликтный период и др. [7] Государства - члены должны принять или продолжать осуществлять как в национальном, так и в местном масштабе законодательные положения, необходимые для обеспечения сохранения или спасения культурных ценностей, подвергающихся опасности в результате проведения общественных или частных работ, в соответствии с нормами и принципами.

Сноски/Иқтибослар/References:

1. Конвенция о защите культурных ценностей в случае вооруженного конфликта (Гаага, 14 мая 1954 г.) (Convention for the Protection of Cultural Property in the Event of Armed Conflict (The Hague, May 14, 1954))

2. Виденев Д. Прогрессивное развитие института международно-правовой защиты культурных ценностей. Автореф. дис. на соискание степени к.ю.н., М. 2017. - 25 с. (Videneev D. Progressive development of the institute of international legal protection of cultural values. Author's abstract dis. for the degree of Ph.D., M. 2017. - p. 25)

3. Потапова Н. Международно-правовые проблемы охраны культурных ценностей и законодательство Российской Федерации. - автореф. На соискание степени к.ю.н. М. -2001.- 171с. (Potapova N. International legal problems of the protection of cultural property and the legislation of the Russian Federation. - aftoref. For the degree of Ph.D. M. -2001.- 171p.)

4. Мишук А. Оборот материальных культурных ценностей в современном мире. Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии. - М. - 2016. - 175 с. (Mishuk A. Turnover of material cultural values in the modern world. Thesis for the degree of candidate of cultural studies. - M. - 2016. - 175 p.)

5. Международная Конвенция Об Охране Нематериального Культурного Наследия. Принята 17 октября 2003 года Генеральной конференцией Организации Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры. (International Convention for the Protection of the Intangible Cultural Heritage. Adopted on October 17, 2003 by the General Conference of the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization)

6. Рындин С. Международно-правовое сотрудничество государств в сфере борьбы с незаконным вывозом культурных ценностей. Автореф. дис. на соискание ст. к.ю.н., - М. 2011. - 161 с. (Ryndin S. International legal cooperation of states in the field of combating the illegal export of cultural property. Aforet. dis. for competition art. Candidate of Laws. - M. 2011. - 161 p.)

7. Виденев Д. Прогрессивное развитие института международно-правовой защиты культурных ценностей. Автореф. дис. на соискание степени к.ю.н., М. 2017. - С.4 (D. Videneev. Progressive development of the institute of international legal protection of cultural values. Author's abstract dis. for the degree of Ph.D., M. 2017. - P.4)

Бахтиёр Ражабов,

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси
Жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси
бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-2>

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИГА ОИД ҚОИДАЛАРНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада жиноят процессида исбот қилишнинг умумий шартларига оид қоидаларнинг ривожланиш жараёнлари ретроспектив таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган 1922, 1926, 1929 ва 1959 йиллардаги

жиноят-процессуал кодексларнинг тегишли нормалари ўзаро ва амалдаги кодекс нормалари билан таққосланган ҳолда, ўхшаш ҳамда фарқли томонлари, шунингдек ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Исбот қилиш, исбот қилишнинг умумий шартлари, далил, далиллارни тўплаш, далилларни текшириш, суриштирувни амалга ошираётган шахс, терговчи, прокурор, суд.

Бахтиёр Ражабов,

начальник кафедры уголовного и уголовно-исполнительного права
Академии Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук, доцент

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ ПОЛОЖЕНИЙ, КАСАЮЩИХСЯ ОБЩИХ УСЛОВИЙ ДОКАЗЫВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация: в статье приводится ретроспективный анализ развития положений, относящихся к общим условиям доказывания в уголовном процессе. На основе сравнения соответствующих норм уголовно-процессуальных кодексов Республики Узбекистан 1922, 1926, 1929 и 1959 годов и норм действующего кодекса, проанализированы их схожие и отличительные черты, а также специфические особенности.

Ключевые слова: доказывание, общие условия доказывания, доказательства, собрание доказательств, проверка доказательств, лицо, производящее дознание, следователь, прокурор, суд.

RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE RULES FOR GENERAL CONDITIONS OF PROVING IN CRIMINAL PROCEDURE

Annotation: The article deals with the development process of the retrospective analysis of the rules for general conditions of proving in criminal procedure. The author analyses specific features, differences and similar sides of the certain norms of the criminal-procedural code of the Republic of Uzbekistan that were used in practice in 1922, 1926, 1929 and 1959 years comparing with the criminal-procedural code nowadays.

Key words: proving, general conditions of proving, collection of evidence, examination of evidence, interviewer, investigator, public prosecutor, court.

For citation: Bakhtiyor Rajabov. RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE RULES FOR GENERAL CONDITIONS OF PROVING IN CRIMINAL PROCEDURE. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 10-16

Исбот қилишнинг умумий шартларини такомиллаштириш ва унинг процессуал-ҳуқуқий аҳамияти ушбу шартларнинг ривожланиш тарихини ўрганишни тақазо этади.

Тарихдан маълумки, республикаимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамининг VII-VIII асрига қадар одат ҳуқуқи [9, б. 56] ҳамда зардуштийлик динининг асосий манбаси бўлган "Авесто" асосида тартибга солинган [10, б. 74].

VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар эса, мамлакатимиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган [8, б. 5]. Бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган бўлиб [11, б. 30], бир қатор мусулмон ҳуқуқи манбаларида кўрсатилганидек одил судловни юритиш масаласига давлат раҳбари ўзининг ажралмас вазифаси сифатида қараган [12, б. 64]. Хон ушбу судга раислик қилувчи қози калонни, яъни олий судьяни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Шу боис, мусулмон ҳуқуқи асосланган судлов юритуви тизимида суд мустақиллиги масаласи деярли фаол муҳокама қилинмаган ёки умуман долзарб масала ҳисобланмаган [12, б. 65]. Қозилик суд ишларининг юритилишида эса дастлабки тергов деган тушунчалар умуман бўлмаган [8, б. 5].

Бирок, ушбу даврларда исбот қилиш ва унинг умумий шартларига оид маълум бир қоидалар мавжуд бўлиб, улар шариат нормалари асосида тартибга солинадиган далиллар билан боғлиқ бўлган. Яъни, қозилик судлари шариат нормалари асосида далилларнинг уч хил кўринишини эътироф этишган, бўлиб улар қуйидагилардан иборат бўлган: а) айбига иқрорлик; б) гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш; в) қасам ичган ҳолда маълумотнинг тасдиқланиши. Бурҳониддин

Маргиноний ҳам ўша даврдаги шариат нормалари ҳақидаги ўзининг фикрини "Ҳидоя" китобида келтириб, "Айбдорнинг ўз қилмишига иқрор бўлганлиги, ҳақиқатни аниқлашдаги энг яхши далил" эканлигини баён этганлигини юқоридаги фикрларнинг яққол далолати сифатида кўрсатиш мумкин [13, б. 2].

Шариат нормалари муслмон ҳуқуқи манбаларида акс этган бўлиб, улар тўртгани ташкил этади, яъни Қуръони карим, Ҳадислар, Ижмо ва Қиёс [14, б. 41-51].

Юқорида келтирилган маълумотлар ўша даврларда республикамиз ҳудудидаги давлатларда исбот қилиш қозилик ва бийлик судлари томонидан амалга оширилиб, улар хон ва амирнинг назорати остида иш юритган ва уларнинг бу борадаги фаолияти одат ҳамда шариат нормалари асосида тартибга солинган деган хулосага келиш имконини беради.

Кейинчалик юртимиз ҳудудлари чор Россияси бошқарувиға ўтганидан сўнг суд соҳасида бир қанча қонуний актлар қабул қилинган бўлса-да, қозилик ва бийлик судлари томонидан шариат ва одат нормаларининг қўлланилиши тақиқланмаган [8, б. 8]. Ушбу даврда мамлакатимиз ҳудудида шариат ва одат нормалари билан биргаликда 1864 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган Суд ишларини юритиш устави [3] ҳам амал қилган бўлиб, унинг жиноят ҳодисасини текшириш деб номланган 4-бобидаги 371-376-моддаларда ашёвий далилларни тўплаш ва уларни сақлаш тартиби белгиланганлигини кўриш мумкин.

1922 йилда РСФСР Жиноят-процессуал кодекси [4] (кейинги ўринларда ЖПК) қабул қилингандан кейин ушбу ЖПК иттифоқдош республикалар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида ҳам 1926 йилга қадар амал қилган. Ушбу ЖПКда исбот қилишнинг умумий шартлари алоҳида бобда кўрсатилмаган бўлсада, "Далиллар ҳақида" деб номланган IV ва "Баённомалар ҳақида" деб номланган V-бобларда муайян қоидалар тартибга солинган.

Хусусан, 1922 йилдаги ЖПКнинг 62-моддасида далилларнинг тушунчаси ва уларнинг турлари, 63-моддасида далилларни тўплаш, уларни сақлаш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ процессуал қоидалар, 81-моддасида тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси жараёнида баённомалар юритишнинг мажбурийлиги, 82-моддасида далилларни баённомада қайд этиш, 83-моддасида баённомаларнинг раислик қилувчи ва коғизнинг имзолари билан тасдиқланиши билан боғлиқ процессуал қоидалар белгиланганлигини кўриш мумкин. Айнан ушбу процессуал қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК 9-бобида (исбот қилишнинг умумий шартлари) ёритилган.

1922 йилдаги ЖПК Ўзбекистон ҳудудида қисқа вақт, яъни 1926 йилга қадар амалда бўлган бўлиб, ушбу давр мобайнида жиноят процессидаги иш юритиш ушбу ЖПКнинг талаблари асосида амалга оширилган. Бу борада Б.Исламов тўғри таъкидлаганидек, суд мустақиллиги ва судьяларнинг фақат қонунга бўйсунишлари борасидаги советларнинг судлар тўғрисидаги 2-сон Декрети ҳам (7 март 1918 йилда қабул қилинган) ундан кейинги норматив ҳужжатлар ҳам (жумладан 3 декабрь 1918 йилдаги "Революция трибуналлари тўғрисида" 1920 йилдаги "Халқ судлари тўғрисида"ги ва бошқа низомлар), шунингдек 1922 йилдаги дастлабки Жиноят-процессуал кодекси ҳам жиддий ўзгаришлар олиб кирмаган [12, б. 65-66].

1922 йилдаги ЖПКдан кейин 1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПК қабул қилинган [5, б. 72] ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган. Шу санадан эътиборан, 1922 йилдаги ЖПКнинг Ўзбекистонда амал

қилиши тўхтатилган. Ушбу ЖПКда ҳам исбот қилиш ёки исбот қилишнинг умумий шартларига амалдаги ЖПКдаги каби алоҳида боб ажратилмасдан улар билан боғлиқ бўлган процессуал қоидалар "Далиллар ҳақида" деб номланган IV ва "Баённомалар ҳақида" деб номланган V-боблар доирасидаги нормалар билан тартибга солинган.

1926 йилдаги ЖПК билан 1922 йилдаги ЖПКнинг боблари ва нормалари ўзаро солиштирилиб, исбот қилишга доир нормаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилганда уларда жиддий фарқлар кўзга ташланмайди. Ушбу ЖПКларнинг боблари ва ҳуқуқий нормаларининг тузилиши бир-бирига жуда ўхшаш ҳолатда шакллантирилган.

Ушбу ҳолатларнинг таҳлили қонун чиқарувчи 1926 йилдаги ЖПКнинг исбот қилиш ва унинг ўзагини ташкил этувчи далиллар билан боғлиқ процессуал нормаларни шакллантиришда 1922 йилдаги ЖПКнинг нормаларини асос қилиб олган ҳамда мавжуд суд-тергов амалиётининг вазиятларидан келиб чиқиб мазкур нормаларни такомиллаштиришга зарурат сезмаган деган хулосага келиш имконини беради.

Ваҳоланки, ушбу кодекс Ўзбекистон тарихида жиноят-судлов соҳасидаги биринчи миллий жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солган ёзма ҳуқуқий манба ҳисобланади [12, б. 65].

1926 йилдаги ЖПК ҳам Ўзбекистон ҳудудида қисқа вақт, яъни 1929 йилгача амалда бўлган. 1929 йилнинг 29 июнида қабул қилинган ва шу йилнинг 1 августидан амалга киритилган Кодексда 1922 йилдаги ЖПК ва 1926 йилдаги ЖПКдан фарқли ўлароқ, "далилларни тўплаш" алоҳида боб, яъни 3-боб доирасида тартибга солинган [6, б. 52].

Ушбу бобда далиллар билан боғлиқ (далиллар тушунчаси ва турлари (22-м.), ашёвий далиллар тушунчаси (31-м.)), шунингдек исбот қилишнинг умумий шартлари билан боғлиқ, яъни шахсий тинтув ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатлари шахсни ечинтириб ялонғочлаш билан боғлиқ ҳолатда ўтказилса, бошқа жинсдаги иштирокчиларнинг қатнашишининг таъқиқланиши ва агарда тергов ҳаракати унга нисбатан ўтказилаётган шахс бунга қаршилиқ қилмаган ҳолатлар бундан мустасно этилишини белгилувчи процессуал норма (39-м.) тартибга солинган бўлсада, унда гувоҳ ва экспертни сўроқ қилиш тартиби ва процессуал шартлари (23-27-м.), ишга экспертни жалб қилиш тартиби ва шартлари (28-30-м.), тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракати билан боғлиқ процессуал қоидалар (33-37-м.), кўздан кечириш тергов ҳаракати, унинг турлари ва ўтказиш тартибини белгилувчи нормалар (38-м.) ҳам айнан шу бобга жойлаштирилган.

1959 йилнинг 21 майида янги таҳрирда қабул қилинган ва 1960 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киритилган Ўзбекистон ССР ЖПКда ҳам исбот қилишнинг умумий шартлари алоҳида бобда келтирилмаган ва у билан боғлиқ бўлган процессуал нормалар "жиноят иши бўйича далиллар" деб номланган 3-бобнинг таркибига киритилган [7].

Ушбу бобда исбот қилишнинг умумий шартларига оид исбот қилишнинг мустақил элементлари бўлган далилларни тўплаш (51-м.) ва далилни баҳолаш (52-м.) қоидалари алоҳида нормаларда белгиланган. Далилни текшириш билан боғлиқ процессуал қоидалар далилларни тўплаш деб номланган 51-модданинг 3-қисмида келтирилган бўлиб, унда иш бўйича тўпланган барча далиллар терговчи, суриштирувчи амалга ошираётган шахс, прокурор ва суд томонидан синчковлик билан ҳар томонлама ва ҳолисона текширишилиши лозимлиги белгиланган.

Қайд этиш жоизки, 1959 йилдаги ЖПКнинг далилни баҳолаш деб номланган 52-моддасида далилни баҳоловчи субъектлар сифатида терговчи, суриштирувни амалга ошираётган шахс, прокурор ва суд далилларни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиққан ҳолда ўзларининг ички ишончлари бўйича ҳуқуқий онга амал қилган ҳолда ва далиллар мажмуини эса қонунга асосан ва ҳуқуқий онга амал қилиб баҳолашлари лозимлиги белгиланган. Далиллар мажмуининг баҳоланиши билан боғлиқ процессуал қоида амалдаги ЖПКда белгиланмаган бўлиб, 1959 йилдаги ЖПКга киритилганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Амалдаги ЖПКнинг исбот қилишнинг умумий шартлари деб номланган 9-бобидаги нормалар мазмуни 1959 йилдаги ЖПК тегишли нормалари билан таққослаб ўрганиш ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан, 1959 йилдаги ЖПКдан фарқи ўлароқ, амалдаги ЖПКда исбот қилишнинг умумий шартларига алоҳида, яъни 9-бобда процессуал қоида ва шартлар қонуний жиҳатдан мустақкамланган;

Иккинчидан, 1959 йилдаги ЖПК 51-моддаси (далилларни тўплаш)нинг 3-қисмидаги далилни текшириш билан боғлиқ процессуал қоида амалдаги ЖПКнинг 94-моддасида белгиланган далилларни текширишнинг мезонлари билан деярли бир хил мазмунга эга, бироқ амалдаги ЖПКдаги далилнинг тўла текширилиши ҳам далилларни текширишнинг мезонлари сифатида кўрсатилган ва далилни текшириш қўшимча далилларни тўплаш билан боғлиқлиги алоҳида тартибга солинган;

Учинчидан, 1959 йилдаги ЖПКнинг 52-моддасидаги процессуал қоидалар амалдаги ЖПКнинг 95-моддаси 1-қисмидаги қоидаларга тўла мувофиқ бўлса-да, амалдаги ЖПКда назарда тутилган далилларни баҳолашда ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан кўриб чиқишга асосланиш масаласи тартибга солинмаган;

Тўртинчидан, 1959 йилдаги ЖПКда ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги билан боғлиқ процессуал шартлар кўрсатилмаган ва алоқадор, мақбул ва ишончли далилнинг тушунчалари ҳамда далилни баҳолаш жараёнида уларга асосланиш билан боғлиқ процессуал қоидалар белгиланмаган;

Бешинчидан, 1959 йилдаги ЖПКда далиллар мажмуининг баҳоланиши билан боғлиқ процессуал қоида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга киритилган ЖПКда [1] 1959 йилги ЖПКдан фарқи ўлароқ, исбот қилишнинг умумий шартларига алоҳида боб (9-боб) ажратилганлиги, унинг процессуал қоидалари ва шартларини қонуний жиҳатдан мустақкамлаб қўйди. 1994 йилги ЖПКнинг умумий қисмидан ўрин олган учинчи бўлими далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга бағишланган бўлиб, унинг 9-бобидаги 85-95 ва 951-моддалари исбот қилишнинг умумий шартларига бағишланган процессуал қоидалар билан бойитилди. ЖПК нормалари замонавий талаблардан келиб чиқиб янада такомиллаштирилиб, унга инсон ҳуқуқ ва эркинлари кафолатларини

кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилганлиги [1] (егмишдан ориқ қонунлар билан киритилган) жиноят процессининг тарихий йўлида ўчмас из бўлиб муҳрланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-470-сон Қонуни қабул қилинди ва унинг асосида ЖПКнинг бир қатор нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб ҳимоячи далил тўплаш ваколатига эга бўлди (87-м. 2-қ.) ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги белгиланди (91-м. 4-қ.), шунингдек фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, далил сифатида мақбул эмас деб топилиши ва улардан фойдаланишнинг таъқиқланиши белгиланди (951-м.).

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган муҳим ислохотлардан бири Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3723-сон қарори [2] ва шу Қарор билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси"ни амалга таъбиқ этиш ҳисобланади.

Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ЖПКнинг янги лойиҳасини тайёрланишида исбот қилишнинг умумий шартларига оид қоидалар замонавий талаблар ва шароит инобатга олинган ҳолда янада такомиллаштирилади деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (10.11.2018 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси). (Criminal-Procedural Code of the Republic of Uzbekistan (until 10.11.2018) // <http://lex.uz> (National database of legislation of the Republic of Uzbekistan))
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3723-сон қарори // <http://lex.uz/docs/3735818> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси). (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures to Improve the System of Criminal and Criminal Procedure Legislation" of May 14, 2018, No. PD-3723 // Laws of the Republic of Uzbekistan national database)
3. Устав уголовного судопроизводства (от 20 ноября 1864 года). <http://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137/>. (Charter of criminal proceedings (dated November 20, 1864). <http://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137/>)
4. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР (от 25 мая 1922 года). <http://docs.cntd.ru/document/901757376>. (Code of Criminal Procedure of the RSFSR (dated May 25, 1922). <http://docs.cntd.ru/document/901757376>.)
5. Уголовный процессуальный кодекс Узбекской ССР - Самарканд, 1927. - 72 с. (Criminal Procedure Code of the Uzbek SSR - Samarkand, 1927. - 72 p.)

6. Уголовный процессуальный кодекс Узбекской ССР - Ташкент: Узбекистан, 1929. - С. 52. (Criminal Procedure Code of the Uzbek SSR - Tashkent: Uzbekistan, 1929. - p. 52.)

7. Уголовный кодекс Узбекской ССР; Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. С изм. и доп. на 1 ноября 1983 г. - Т.: 1983. - 384 с. (Criminal Code of the Uzbek SSR; Criminal Procedure Code of the Uzbek SSR. With meas. and add. on November 1, 1983 - T.: 1983. - 384 p.)

8. Абдумажидов Г. А. Развитие законодательства о расследовании преступлений. - Ташкент: Узбекистан, 1974. - 109 с. (Abdumazhidov, G. A. Development of legislation on the investigation of crimes. - Tashkent: Uzbekistan, 1974. - 109 p.)

9. Исхаков С. А. "Ҳидоя"нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида туган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law. - Тошкент, 2003. - №2. - Б. 56-57. (Isakov S. A. The Role of Hidoaya in the Muslim Right Source System // Law-Law-Law. - Tashkent, 2003. - №2. - P. 56-57)

10. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. - Тошкент: Ўзбекистон. 2006. - 174 б. (Saidahmedov I. History of State and Law. - Tashkent; Uzbekistan. 2006. - p. 174)

11. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. - Тошкент: Фан. - 1967. - 142 б. (Bakirov F. Judgment, Sharia and Habits in Chor Turkistan. - Tashkent: Science. -1967.-p. 142)

12. Исламов Б. Жиноят-судлов юритувида суд мустақиллигининг тарихий ривожланиши масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2007. - № 2. - Б. 64-66. (Islamov B. Problems of historical development of judicial independence in criminal justice system // Philosophy and law. - Tashkent, 2007. - № 2. - P. 64-66)

13. Бурҳониддин Марғинович. Ҳидоя. Т. 2. - Тошкент: 1893. - 125 б. (Burhoniddin Margonani. Hidoaya. T. 2. - Tashkent: 1893. -p. 125)

14. Исхаков С.А. Мусулмон ҳуқуқи: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. - 195 б. (Iskhakov S.A. Muslim right: Textbook for Higher Education Institutions. Muslim Law - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan)

Давлетов Ўткирбек Матмуратович,

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
докторанти, майор



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-3>

ҲАРБИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ОЧИҚЛИК ТУШУНЧАСИ: АҲАМИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ХУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: мақолада ҳарбий суд ишларини юриштида очиқлик тушунчаси: аҳамияти, мақсади ва ҳуқуқий табиати билан боғлиқ бўлган мазкур йўналишдаги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: одил судлов, ошкоралиги, тенг ҳуқуқлилиқ, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилиқ назоратини, ахборот тизими, электрон суд жараёни, инновацион технологиялар ва хориж тажрибаси.

Давлетов Уткирбек Матмуратович,

Докторант Военно-технический институт
Национальной гвардии, майор

ПОНЯТИЕ ОТКРЫТОСТИ В ВОЕННОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ: ЕГО ЗНАЧЕНИЕ, НАЗНАЧЕНИЕ И ПРАВОВАЯ ПРИРОДА

Аннотация: В статье изложено понятие открытости в военном судопроизводстве: реализация норм в этой области связана с его значением, назначением и правовой природой.

Ключевые слова: справедливость, прозрачность, равенство, средства массовой информации, общественный контроль, информационные системы, электронное правосудие, инновационные технологии и зарубежный опыт.

Davletov Utkirbek Matmurovich,

Doctoral student at the National guard
Military Technical Institute, major

THE CONCEPT OF OPENNESS IN MILITARY COURT PROCEEDINGS: ITS MEANING, PURPOSE AND LEGAL NATURE

Annotation: The article describes the concept of openness in the military court proceedings: the implementation of norms in this area is related to its meaning, purpose and legal nature.

Key words: justice, transparency, equality, mass media, public control, information systems, e-justice, innovative technologies and foreign experience

Демократик давлатда одил судловнинг муҳим тамойилларидан бири бу - суд жараёнининг ошкоралиги бўлиб, барча манфаатдор шахсларни тезкор хабардор қилишдир.

Ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунининг 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши белгиланган. Булар давлат ёки тижорат сирлари, шунингдек фарзандликка олиш сирини билан боғлиқ ҳолатлар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига таалуқли маълумотлар бўлиши мумкин. Жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар ҳам истисноли ҳолат ҳисобланади.

Суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва иш кўришнинг ошкоралиги одил судлов жараёнида қонунийликни таъминлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати, биринчидан, фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга даъват қилади, давлат тузилмаларининг барча даврларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъуллиги ошади. Иккинчидан, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу ўз навбатида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди. Учинчидан, жамоатчиликнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда изчил ислохотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим ривожланган хорижий давлатлар масалан, АҚШ, Буюкбритания, Германия, Франция каби давлатлар қонунчилик

тажрибасида жамоатчилик назорати тўғрисида алоҳида қонун мавжуд эмас. Бирок шундай бўлса-да, жамоатчилик назорати бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ушбу давлатлар қонунчилик амалиётида жамоатчилик назоратининг субъектлари бўлиб асосан фуқаролар, жамоат кенгашлари, илмий муассасалар, ННТ ҳамда ОАВ ҳисобланади. Данияда эса парламент, депутатлар, махсус комиссиялар ҳам жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобландилар.

Бинобарин, ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айти шу иш бўйича судга қилинаётган муурожаатларнинг олдини олади. Судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши эса судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди, масъулиятини оширади. Шундай экан, ҳозирги кунда одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг тушунарли, ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида бу меъёр мустаҳкамлаб кўйилган: "Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим". Суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кўп жиҳатдан суд процессларининг очиқлиги, ҳар қандай шахснинг суд қарори билан танишиш имкониятига эга бўлишига боғлиқдир.

Суд фаолиятининг очиқлигини таъминлаш - фуқароларининг ўз вақтида аниқ ахборотга эга бўлишига, вақтларини иқтисод қилишга ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожланишига кўмаклашибгина қолмай, балки суд ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлайди, суд ишларининг сифатини яхшилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай тизимнинг шаффофлигини унинг ёритилиш даражасига солиштириб ўрганиш мумкин. Бу сизга тизимнинг иши ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш ҳамда унинг ишини яхшилаш имкониятини беради.

Ушбу тамойилнинг қанчалик ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини даврнинг ўз тақозо этмоқда. Чунки ҳокимият тузилмаларининг фаолиятида ошкоралик ва шаффофлик тамойили ҳуқуқлар бузилиши эҳтимолини камайтириб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш даражасини оширади.

Одил судловни амалга оширишда ошкоралик ва шаффофлик одил судловнинг энг муҳим тамойили сифатида мавжудлиги (амалда таъминланганлиги) ўз новбатига қонун устуворлиги, адолатлик, тортишувчанлик ва тенг ҳуқуқчилик тамойилларига йўл очади.

Шубҳасиз, сўнгги икки йил ичида, суд ҳокимияти фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тамойилининг амалда таъминлаш бўйича бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сонли Фармоннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, суд тизимининг энг ёрқин ютуқларидан бири - давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ф-4947-сонли Фармони|1|да кўриб чиқилган долзарб вазифалардан бири бўлган электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланиш, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш.

Ахборот тизими суд жараёнларини тартибга солиб, автоматлаштириш, суд процедураларига ёрдам бериш, статистика ва таҳлилий маълумотларни ишлаб чиқиш, бюрократик тўсиқларни камайтириш ва бартараф этиш учун мўлжалланган.

Айни шу мақсадда, электрон суд жараёнига ўтишнинг муҳим таркибий қисмига айланган "Суд амалиёти"ни жорий этилиши фуқароларга, адвокат вакилларига ўзи уйлари ва идораларидан чиқмаган ҳолда электрон ариза бериш, давлат божини тўлаш, шунингдек, суд ҳужжатини кўриш ва чоп этиш учун рухсат олиш имконини беради. Шунингдек, йиғилиш вақт ва жой ҳақида томонларга СМС тарзида мобил телефонга хабарлар юбориш билан фуқароларнинг вақти ва маблағлари иқтисод қилишга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, адолатни қарор топтириш ва судда ишларни тез, сифатли, самарали ҳал этишда ҳамда судлар томонидан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бу жараёнда, фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шахсий ва оилавий сирлари, ишбилармонлик обрўсини ҳимоя қилиш нуқтаи назардан айнан қандай тоифадаги ишлар ОАВ орқали ёритилиши ва нашр этилиши билан боғлиқ механизмни (давлат ёки қонун билан ҳимояланган сирлар бундан мустасно) қайта кўриб чиқиш лозим. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги бу - жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг камайиш воситаси ҳамдир.

Бу борада, тажрибаси ўрганилган бир қатор давлатлар, жумладан Россиянинг Челябинск вилоят ҳарбий суди тизимида маълумотни жамлаш бевосита автоматлаштирилган режимда амалга оширилиб, иш юритишни тугатгандан сўнг, суд ҳужжати сканердан ўтказилиб, кейинги ишлов бериш учун "Ҳужжат тасвирларининг электрон архиви" га юборилиши амалиёти жорий қилинган.

Шунингдек, "Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни билан давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳақидаги ахборотни тарқатиш ва (ёки) тақдим этиш эркинлиги чекланиши билан боғлиқ муаммоларга чек қўйилган. Бу ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунийлигини таъминлашга қаратилган суд қарорларининг очиқ ва адолатлилигини, кўплаб одамларнинг манфаатларига хизмат қилишини назарда тутди. Бундан ташқари, 2019 йил 1 июлгача Россия Мудофаа вазирлиги ҳарбий суд тизими кенг миқёсли ислоҳотларни амалга ошириши режалаштирилган бўлиб, унга кўра шикоятлар ва муурожаатларни кўриб чиқиш учун алоҳида олий ўқув юртлари ташкил этилади.

Мутахассислар таъкидлашларича бу каби ислоҳотлар тизимни янада самаралироқ ва мустақил бўлишига олиб келади.

Бугунги суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан қутилаётган юқори натижага эришиш биздан ҳам замонга мос ташаббускорлик ва унга мос фидойийликни талаб этади.

Айни шу мақсадда, Ўзбекистон 2017-2020 йилларга мўлжалланган судларни ахборотлаштиришнинг янги дастурини ишлаб чиқмоқда. Бирлаштирилган суд-маъмурий ахборот тизимини электрон ҳукумат тизими билан бирлаштириш, миллий Е-СУД тизимини такомиллаштириш ва барча жараёнларни автоматлаштириш режалаштирилган.

Ўзбекистонда суд жараёнларини ахборотлаштириш дастури суд ишларининг ошкоралигини ва автоматлаштиришни таъминлаш, суд ходимларининг ўз хизмат мажбуриятларини суиистеъмол қилинишини олдини олиш, мавжуд маълумотлар базасини такомиллаштириш, тармоқлар ва дастурий таъминотни такомиллаштиришга қаратилган.

Судларда АКТни такомиллаштириш лойиҳаси мамлакат бўйлаб очик суд жараёнларини онлайн мониторинг қилиш учун зарур бўлган АКТ жиҳозлари билан жиҳозланган Адлия саройи тузилишини назарда тутди. Суд процессида аудио ва видеоёзувлар учун дастурий таъминот тўплами ва видеоконференсалоқа билан интеграциялашуви суд процессида яна бир янгилик бўлди.

Инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш - суд ишларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, технологиялардан фойдаланган ҳолда, халқаро тажрибани қўллаш асосида судларни янада автоматлаштириш ва ахборотлаштириш натижада ҳуқуқий сиёсат самарадорлигини, давлат рақобатдошлигини ҳамда жамоатчиликнинг судларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ОАВ фаолияти орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратилади. Ушбу таъсир кучи жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятининг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ОАВ айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Ҳозирги вақтда виртуал кузатув мақсадида шаффофликни оммалаштириш тенденцияси қуйдагиларга асосланган деб тахмин қилиш одатий ҳолдир:

а) компютер, медиа ва телекоммуникация соҳаси эгаларининг "виртуал классик"нинг қудратли истаклари;

б) ахборотдан фойдаланишда индивидуализмнинг ўсишини рағбатлантириш истаги;

в) универсал интерактив муҳитни яратиш мақсадлари;

г) эксперт дастурлари ёрдамида функционал назоратни амалга ошириш истаги.

Виртуал элита амбициялари нуқтаи назаридан шаффофлик одатда индивидуалистик озодликнинг мафкуравий тасвири сифатида намоеън бўлади, лекин аслида (Д. Галкин қайд этганидек) шаффофлик - тананинг маълумотлар оқими билан тенглаштирилган электрон нормаллашувини аниқлатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шунга айтиш мумкинки, жамоатчилик фикрини

инобатга олиш - фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишга ва ошкораликни таъминлашга, суд ишларининг очиқ ва ошкоралиги эса - суд томонидан адолатли ҳал қилув қарорини чиқарилишига, бу ўз навбатида, суднинг тарбиявий ролини кучайтиришга, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш асосида ҳалқимизнинг ишончини қозонишга, шунингдек, адолатни таъминлаш асосида суд томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар жазолаш воситаси эмас, балки тарбия воситаси, бузилган ҳақ-ҳуқуқларни таъминлаш кафолати эканлигига хизмат қилади.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ф-4947-сонли Фармони // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on February 7, 2017 "On the Strategy for Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" F-4947 // "Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan", February 13, 2017, Article 70.)

**12.00.08 УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО**

Мухиддинов Аброр Хикматович,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-4>

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ САБАБИ ВА ШАРОИТЛАРИ
ҲАМДА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

Аннотация: Мақолада фирибгарлик жиноятининг сабаби ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар ҳамда уларнингилмий таснифимазмуни очиб берилган. Фирибгарликнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таъсирчан махсус профилактик чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: фирибгарлик, фирибгарлик жиноятининг сабаби вашароитлари, фирибгарлик жиноятининг махсус профилактикаси.

Мухиддинов Аброр Хикматович,

Преподаватель кафедры профилактики правонарушений
Академии МВД Республики Узбекистан

**ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ МОШЕННИЧЕСКИХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ
И ЕГО ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ**

Аннотация: В статье уточняются причины и условия совершения мошеннических преступлений, а также содержание их научной классификации. Разработана система эффективных профилактических мер по устранению причин и условий мошенничества.

Ключевые слова: мошенничество, причины и условия мошенничества, специальная профилактика мошенничества.

Mukhiddinov Abror Khikmatovich,

Teacher of the department of prevention of offenses
of the Academy of MIA of the Republic of Uzbekistan

CAUSES AND CONDITIONS OF FRAUD AND ITS PREVENTION

Annotation: The article clarifies the causes and conditions of fraudulent crimes, as well as the content of their scientific classification. A system of effective preventive measures to eliminate the causes and conditions of fraud has been developed.

Key words: fraud, causes and conditions of fraud, special prevention of fraud

For citation: Mukhiddinov Abror Khikmatovich. CAUSES AND CONDITIONS OF FRAUD AND ITS PREVENTION. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 22-27

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан қарши курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, ҳар бир жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳақиқати ва адолатини таъминлаш асосий талаблардан бири сифатида қўйилмоқда. Айниқса, содир этилган ҳар қандай жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жиноятлардан жабрланганларга зарур ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бу борада кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек ҲМҚО соҳасига илғор тажрибаларни жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Бугунги глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни алдаш йўли билан талон-торож қилиш, яъни фирибгарлик жиноятининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 9 февралда ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган. Хусусан, ўғирлик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган" [1] деб танқид қилинишига сабаб бўлган.

Бундан, ташқари мазкур муаммонинг долзарблиги республикамызда фирибгарлик жинояти 2018 йил давомида қайд этилган жами жиноятларнинг 13,4 фоизини ташкил этиши, шунингдек, 2018 йил (2017 йил) давомида содир этилган фирибгарлик жиноятларининг 478 (803) таси ёки 7,4 (83) фоизи фош этилмаганлигида ҳам намоён бўлади. Чунки, пироваридида, фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг мол-мулки ўз-ўзидан фирибгарлар қўлида қолиб кетмоқда. Бунга, айрим ҳолларда фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган фуқаролар томонидан фирибгарлик қурбони бўлганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслиги, натижада ушбу жиноятлар расмий рўйхатга қайд этилмасдан "латент"лигича қолиб кетиши ҳам асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Бу борада Ю.Ф.Карелов ва Б.Т.Ақромхужаевлар қуйидагича фикр юритганлар "Фирибгарлик содир бўлиш жараёнида жабрланувчиларнинг ўзлари кўпинча номаъқул ҳаракатлари билан жиноят содир этилишига сабабчи ва кўмакдош бўлиб қоладилар. Фирибгарликнинг келиб чиқишига кўпинча айрим фуқароларнинг назари пастлигидан (бахиллик, очкузлик, пулга хирс қўйиш), тез бойиб кетишга ва бунинг учун қонунсиз бўлса ҳам маълум имтиёزلарни ёки қимматбаҳо нарсаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилишлари сабаб бўлади. Бундай "жабрланувчилар" фирибгарлик тўғрисида милицияга хабар бера олмайдилар. Фирибгарлар ҳам ушбу ҳолатни ҳисобга оладилар ва бу уларга қўл келади"[2]

Масаланинг салбий жиҳати шундаки, қўлга тушмаган фирибгарлар ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бошқа фуқароларга ҳам моддий зарар етказди. Шу боис, фирибгарликка қарши курашишда, ушбу турдаги жиноятнинг барвақт олдини олиш, фош этиш ва айбдорларни аниқлаб, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш бирдек муҳим аҳамият касб этади.

Донишманд ҳалқимизнинг "касални даволагандан кўра уни олдини олган яхши" - деган нақлига амал қилиш, фуқаролар ўртасида самарали ҳуқуқий тарғибот ишларини, айниқса, виктимологик профилактик мазмунга эга чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур чора-тадбирларнинг самарадорлиги фирибгарлик жиноятини келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг содир этилишига имконият бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва аниқ, манзилли йўналтирилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ.

Ўрганиш натижаларига кўра, фирибгарлик жиноятлари қуйидаги сабаб ва шарт-шароитлар таъсири остида содир этилади: а) фуқароларнинг ишонувчанлиги, соддалиги, ҳуқуқий онг ва маданиятининг етарли даражада эмаслиги, мақтанчоқлиги (уй-жойи, мол-мулки ва унинг миқдори ҳақида мақтаниш); б) оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида гаразли мақсадларнинг шаклланиши; в) молпарастлик, мол-дунёга ўчлик, тезроқ бойишга иштиёқ ва очкўзликнинг мавжудлиги; г) жамиятдаги ижтимоий-маънавий камчиликлар; д) тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги ва х.к.

Маълумки, жиноятларнинг сабаблари объектив ва субъектив хусусиятга эгаллиги билан таснифланади. Шу жиҳатдан, фирибгарлик жиноятларига субъектив сабаблар хосдир. Кўп ҳолларда мавжуд қарама-қаршиликлар ва салбий вазиятлар фирибгарлик жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлади, яъни ушбу вазиятлар муайян шахсларда салбий ижтимоий ва индивидуал-руҳий хусусиятларни шакллантиради. Бу каби индивидуал-руҳий хусусиятлар шахсни молпарастликка жалб этади ва унда пулнинг қудратига ишонч пайдо бўлади. Оқибатда шахсда ижтимоий бузукруҳият шаклланади.

Фирибгарлик жиноятларини келтириб чиқарувчи объектив омиллар ишлаб чиқариш, ташкилий бошқарув ва ҳўжалик муаммолари асосида юзага келадиган, иқтисодий сиёсатга салбий таъсир этувчи бир қатор ҳолатлар билан боғлиқ. Ушбу ҳолатларни шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин: а) ижтимоий-иқтисодий; б) ташкилий-бошқарув; в) маънавий-руҳий.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолатларпулнинг қадрсизланиши, ҳўжасизлик, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хизмат қилувчилар иш ҳақининг камлиги, нарх-навои ушлаб туриш механизмининг йўқлиги, ишсизлик, "хуфиёна иқтисодиёт"нинг мавжудлиги, айрим хомашё ва товарларнинг етишмаслиги, жиний йўл билан топилган даромадни юзага чиқариш, ҳўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг суствлиги ва қимматбаҳо қоғозлар ҳимоясининг самарасизлиги кабиларда намоён бўлади.

Ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳолатларэса иқтисодий муносабатлар фаолияти устидан олиб бориладиган назорат самарадорлигининг пастлиги, ҳўжалик юритиш амалий фаолияти талабларининг ҳуқуқий мувофиқлаштириш жараёнидан илгарилаб кетиши, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик услуби мавжудлиги, давлат иқтисодиёти йўналишларида бир-бирини жиний қўллаб-қувватлаш тизими юзага келиши, иқтисодий жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг талаб

даражасида иш кўрмаслиги, ушбу жиноятларга қарши умумий кураш олиб боришга масъул ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳавий ва маъмурий-ҳудудий ҳамкорлигининг суэт ташкил этилганлиги, иқтисодий муносабатлар ваубилан боғлиқ келишмовчиликларнинг ўз вақтида ҳал қилинмаслиги кабиларда ўз ифодасини топади.

Маънавий-руҳий ҳолатларни аҳолининг муайян қатламида қонунга ҳурматсизлик ва иқтисодий бебошликнинг юзага келиши, иқтисодиёт соҳасида ва ҳўжалик фаолиятини юритишда жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмасликка бўлган ишонч, айрим тадбиркорлар, айниқса ёшларда тез бойиб кетишга интилишнинг шаклланиши, аҳолининг муайян қатламлари руҳиятида маънавий хислатларнинг шаклланмаганлиги, "пул билан ҳамма нарсага эришиш мумкин" деган ақиданинг юзага келиши, бойликка ҳирс қўйиш кабиларда кузатиш мумкин.

Албатта, кўриб чиқилган мазкур гуруҳларга мансуб ҳолатларнинг фирибгарлик жиноятларининг миқёси ва динамикасига таъсир доираси бир хилда эмас. Чунки, санаб ўтилган барча ҳолатлар айрим кўринишлардаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан холи эмас ва айни пайтда шу каби хатти-ҳаракатларнинг юзага келишига шароит ҳам яратади. Бинобарин, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш чораларининг амалга оширилишини таъминлаш катта ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

Фирибгарликнинг олдини олишда махсус профилактика чораларни қўллаш алоҳида ўрин тутает. Фанда махсус чора-тадбирлар сифатида жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилишга қаратилган профилактик тадбирлар тушунилади.

Бу борда қуйидаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- фирибгарлик жиноятининг динамикаси, географиясини ўрганиш, таҳлил этиш, таҳлил натижалари асосида махсус профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларни фирибгарлик жиноятларидан жабрланишини олдини олишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш, аҳолини огоҳликка ва ҳушёрликка чақирувчи виктимологик мазмундаги ведеоролик, видеофильм, рекламалар намоишини амалга ошириш;

- аҳолида фирибгарларнинг жиноий тажовузидан ҳимояланишга доир зарурий кўникмаларни шакллантириш;

- фуқаролар, тадбиркорлар, фирма ва корхона раҳбарларини фирибгарлар билан тўқнаш келганда, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш тўғрисида огоҳлантириб бориш;

- фирибгарлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахслар билан мунтазам равишда якка тартибдаги профилактик таъсир кўрсатиш чора тадбирларини амалга ошириш (профилактик суҳбатлар ўтказиш, уларнинг иш ва ўқиш жойларида ўзини тутиши, ҳулқини назорат қилиш ва зарур ҳолларда ижтимоий фойдали машғулотлар билан бандлигини таъминлаш).

Хуллас, фирибгарлик жиноятнинг профилактикаси самарадорлиги ушбу турдаги жиноятнинг сабаби ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг мазмуни, илмий таснифи ҳақида етарли билимга эга бўлишни, ушбу билимларга таяниб, фирибгарликнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳли қилиш ва таъсирчан махсус профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини талаб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаравон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: www/uza.uz. (Human rights and freedoms must be protected first and foremost by the interests of human beings // The speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyayev on February 9, 2017 at the videoconference dedicated to the functioning of the internal affairs bodies, problems and shortcomings in the system, and future tasks: [www /uza.uz](http://www/uza.uz))

2. "Фирибгарликни тергов қилиш". Маърузалар курси. / Ю.Ф.Карелов, Б.Т.Ақромхужаев. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби, 1993. - Б. 8 (Yu.F.Karelov, B. Akromhujayev. Investigating fraud. The lecture course. - Т.: Higher School of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 1993 - В. 8)

Қудрат Матқаримов,

Мустақил изланувчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-5>

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭКСПЕРТ ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ: ИНСОНПАРВАРЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШУВ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят процессида эксперт ва мутахассисларнинг иштирокига инсонпарварлик нуқтаи назардан ёндашув таҳлили баён қилинган. Унда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида эксперт ва мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ваколатларини амалга оширишда шахс-жамият-давлат узвий занжири орқали самарали ва гуманистик механизм яратиш имкониятлари ёритилган ҳамда асосли таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: инсонпарварлик, жиноят процесси иштирокчилари, эксперт, мутахассис, соф процессуал ва профессионал-процессуал ҳуқуқлар, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш.

Қудрат Матқаримов,

Независимый соискатель

УЧАСТИЕ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ ЭКСПЕРТОВ И СПЕЦИАЛИСТОВ: АНАЛИЗ ГУМАНИСТИЧЕСКОГО ПОДХОДА

Аннотация: В настоящей статье изложен анализ подхода с гуманистической точки зрения к участию в уголовном процессе экспертов и специалистов. В нем освещены возможности создания в уголовно-процессуальном законодательстве эффективного и гуманистического последовательного звена личность-общество-государство при осуществлении прав и обязанностей, а также полномочий экспертов и специалистов, выдвинуты обоснованные предложения.

Ключевые слова: гуманизм, участники уголовного процесса, эксперт, специалист, сугубо процессуальные и профессионально-процессуальные права, отказ от участия в производстве по делу.

Kudrat Matkarimov,

Independent researcher

PARTICIPATION IN THE CRIMINAL PROCESS OF EXPERTS AND SPECIALISTS: ANALYSIS OF THE HUMANISTIC APPROACH

Abstract: This article presents an analysis of the approach from a humanistic point of view to the participation in the criminal process of experts and specialists. It highlights the possibilities for creating in the criminal procedural legislation an effective and humanistic consistent element of the individual-society-state in the exercise of rights and duties, as well as the powers of experts and specialists, and reasonable proposals were put forward.

Key words: humanism, participants in the criminal process, expert, specialist, purely procedural and professional procedural rights, refusal to participate in the proceedings.

Жиноят процессида хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида қақририлиши мумкин. "Махсус билимлар" тушунчасининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилганда, у билиш назариясига эмас, балки ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига тегишли эканлигини ёдда тутиш керак[1]. Р.С.Белкин асосий эътиборни махсус билимлардан жиноят процессида фойдаланиш мақсадига қаратар экан, уларни "фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги муайян ишларни тергов қилиш ва судда кўриш чоғида юзага келадиган масалаларни ечиш учун зарур бўлган касбий билимлар"[2] сифатида тавсифлаган эди. В.Д.Арсеньев ва В.Г.Заблоцкий фикрига кўра, махсус билимлар - бу муайян соҳалар (тиббиёт, бухгалтерия, автотехника ва шу қабиладар)да илмий ва амалий фаолият натижасида олинган ва илмий адабиётлар, услубий қўлланмалар, йўриқномаларда қайд этилган маълумотлар тизимидир[3].

Экспертизанинг одил судловни амалга оширишдаги ҳамда жиноятларни тергов қилиш ва фош этишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида юридик адабиётларда турлитуман қарашлар баён этилган. Жумладан, Ю.С.Пулатов таъкидлашчи, "экспертиза амалиётида моддий объектларни тадқиқ этишнинг физика, кимё, биология, минералогия, амалий математика ва бошқа табиий ва техник фанларнинг ютуқларини қўллашни ўз ичига олган янгича самарали усуллар жорий этилди. Айниқса, бундай усуллардан турлитуман материаллар, моддалар ва буюмларни тадқиқ этиш вақтида кенг фойдаланилади. Бу эксперт тадқиқоти жараёнини кенгайтириб қолмай, балки экспертизаларни тергов тактикаси жиҳатларини ўзгаришига ҳам олиб келади"[4]. Р.А.Мухитдинов таъбири билан айтганда, "жиноятчиликка қарши курашда экспертизанинг роли ниҳоятда муҳим. Жиноят ишларини қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда экспертиза хулосасининг аҳамияти ва ўрни беқиёсдир"[5]. С.А.Отахўжаев мазкур масала юзасидан "фан ва техниканинг замонавий имкониятларига асосланган экспертизадан кенг фойдаланиш муҳим рол ўйнайди ва экспертизанинг назарий ҳамда амалий масалаларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга"[6]. М.Ҳ.Рустамбоев содир бўлган жиноятни очиш ва тергов қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда бошқа ҳуқуқий фанлар орасида криминалистика асосий ўринни эгаллайди, ҳозирги кунда терговни муваффақиятли юритиб, одил судловни таъминлашда криминалистика техникасига асосланган турли махсус билимларни қўллаш билан ўтказиладиган экспертизалар салмоқли ўрин эгаллайди[7], деб қайд этади. Таҳлил қилинаётган масала юзасидан Қ.И.Исаров[8] ва И.Астановлар[9] ҳам алоҳида мулоҳазаларни баён этганлар.

Таъкидлаш жоизки, жиноят процессида терговчининг эксперт хулосасини тўлақонли далил сифатида олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилиши эксперт ўз касбий ва процессуал мажбуриятларини лозим даражада бажаришига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, эксперт томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг тўлиқлиги асосан терговчи ўзига юклатилган хулоса бериш учун зарур материалларни тақдим этиш мажбуриятини бажаришга нисбатан қай даражада виждонан ёндашгани

билан белгиланади. Кундалик ҳаётда ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бир-бири билан шу даражада узвий боғланадики, айрим ҳолларда уларни бир-биридан ажратиш мушкул бўлади. Аммо, эксперт фаолиятида ҳуқуқлар ва мажбуриятларни айнилаштириш камдан-кам учрайдиган бир ҳол бўлиб, одатда, унинг ваколатлари икки ёқлама хусусият касб этмайди.

Юридик адабиётларда экспертнинг жиноят процессидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларига доир масалаларга анча кенг эътибор берилади[10]. Мазкур адабиётлар таҳлили экспертнинг жиноят процессидаги қуйидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини фарқлаш имконини беради:

1. Ягоналик даражасига кўра - умумий процессуал ва соф экспертлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Бундай таснифлаш зарурати шу билан изоҳланадики, жиноят-процессуал ҳуқуқида экспертга бериладиган ҳуқуқлар ва унга юкланадиган мажбуриятлар ўз табиатига кўра ҳар хил бўлиб, уларнинг бир қисми жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ваколатлари билан мос келади (қуйида уларни биз универсал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар деб номлаймиз), бошқа бир қисми эса экспертнинг профессионал сифатидаги процессуал фаолияти хусусиятлари билан белгиланади (уларни алоҳида ҳуқуқлар ва мажбуриятлар деб номлаймиз).

2. Мазмун жиҳатидан - соф процессуал ва профессионал-процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар.

Яна шунини ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, жиноят процессига эксперт сифатида жалб қилинувчи муайян шахснинг индивидуал мақоми юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан бир қаторда, ЖПКдан ташқари, унга зид келмайдиган бошқа норматив ҳужжатларда мустақамланган профессионал ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ҳам ўз ичига олади.

Универсал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар - жиноят процесси субъектлари тизимининг муҳим боғловчи бўғини. У мазкур тизимнинг яхлитлигини таъминлайди. Универсал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қаторига экспертнинг шахс конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, жиноят процесси принципларига асосланадиган ваколатлари (масалан, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи)ни, шунингдек, экспертдан ташқари, жиноят процессининг бошқа субъектлари ҳам эга бўлган процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар (масалан, сўроқ жараёнида ҳужжатлар ва ёзувлардан фойдаланиш ҳуқуқи)ни киритиш, бизнингча, ўринли бўлади.

Мутахассис ўз ваколатларини амалга оширади экан, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларга киришади. Қонунга мувофиқ унга ҳуқуқлар берилган, мажбуриятлар юкланган ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Мутахассис процессуал мақомининг таркибий элементларидан бири унинг билимдонлигидир. Бизнингча, мутахассисга берилган ҳуқуқлар ва унга юкланган мажбуриятлар ҳажми унинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун имконият яратиши ва айни вақтда, дастлабки терговни муваффақиятли ўтказишнинг асосий шарт-шароитларини бузмаслиги керак. В.С.Балакшин қайд этиб ўтганидек, мутахассисларни жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни уларга тушунтирмасдан сўроқ қилиш далиллар номақбул деб топилшига олиб келадиган шак-шубҳасиз ҳуқуқбузарликдир[11].

Ю.Т.Шуматов фикрига кўра, мутахассиснинг процессуал мақомини тадқиқ этишнинг долзарблиги сабаблари қуйидагилардир:

1) мутахассисдан фойдаланиш чегараси ва шакллари узил-кесил белгиланмаган бўлиб, бу мутахассис билимларини амалда қўллашда муайян қийинчиликлар туғдиради;

2) мутахассис ҳаракатларининг процессуал аҳамияти хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд;

3) мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушуниш ҳамда улардан фойдаланишда тафовутлар бор.

ЖПКнинг 70-моддаси қуйидаги тузилишга эга: модданинг 1-қисмида мутахассиснинг ҳуқуқлари санаб чиқилган; 2-қисмида унинг мажбуриятлари белгиланган.

Мутахассиснинг мақомини шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин: биринчи - жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган махсус (процессуал) мақом; иккинчи - идоравий норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган умумий мақом.

ЖПКнинг 70-моддаси 1-қисмига мувофиқ, мутахассисга берилган ҳуқуқларнинг айримларига батафсилроқ тўхталамиз.

1. Башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш.

Мутахассисда махсус билимларнинг йўқлиги жиноят ишини юритишда иштирок этишдан бош тортиш учун асос ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, мутахассис ўзини ўзи рад этиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолда ҳам жиноят ишини юритишда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Хусусан, ЖПКнинг 76-79-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда мутахассис ўзини ўзи рад этиши шарт. Агар унинг ўзи бундай қилмаса, у шу асосга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи томонидан, суд мажлисида эса, бундан ташқари давлат айбловчиси, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад қилиниши мумкин.

ЖПКнинг 76 ва 78-моддаларига мувофиқ мутахассис қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим:

1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки маъмур жиноят ишида иштирок этувчи шахслардан исталган бирининг қариндоши бўлса;

3) ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса;

4) унинг ўз касбига нолайиқлиги аён бўлиб қолса;

5) унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Бундан ташқари, материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмас.

Ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин.

ЖПК 80-моддасига мувофиқ, мутахассисни рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида суриштирувчи ёки терговчи томонидан, суд мажлисида эса, ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади. Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши керак. Рад қилинган шахс рад этиш ҳақидаги масала кўрилгунига қадар тушунтириш беришга ҳақли. Рад қилишни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Мутахассис шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса, уни рад қилиш талаби, бизнингча, холисона қарор қабул қилиш зарурати ва жиноят ишининг якунидан мутахассиснинг манфаатдор эмаслиги билан боғлиқ. Мутахассис жиноят ишининг якунидан манфаатдор эканлиги у жиноят ишида иштирок этиш орқали шахсан ўзи учун ёки бошқа шахслар учун бирон-бир наф кўриш нияти ёки имкониятига эга эканлигини англатади. "Ишнинг якунидан манфаатдорлик" нисбий тушунча бўлиб, унинг қўлланилиши асосан ҳуқуқни қўлловчининг ҳуқуқий онги даражасига боғлиқдир.

Юқориди айтиб ўтилганидек, мутахассис ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки мазкур жиноят ишида иштирок этувчи шахслардан исталган бирининг қариндоши бўлса ҳам, рад қилиниши лозим. Мутахассиснинг хотини, эри, ота-онаси, фарзандлари, фарзандликка олувчилари, у фарзандликка олган шахслар, унинг туғишган ака-укалари ва опасингиллари, бобоси, бувиси, неваралари унинг қариндошлари ҳисобланади.

Мутахассис ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса ҳам рад қилиниши лозим. А.М.Зимин қайд этишича, тобелик ҳам моддий, ҳам маънавий сабаблар билан белгиланиши мумкин. Биринчи ҳолда тобелик ишнинг якунидан манфаатдорликда, мазкур мутахассис иштирок этаётган тергов ҳаракатининг натижадорлигида ёки унинг йўқлигида намоён бўлади [12]. Мутахассиснинг мустақиллиги жиноят процессида унинг иштирок этиш имкониятини белгилайдиган муҳим принципдир. Мутахассис дастлабки терговни юритаётган орган ёки шахсга ёинки жиноят иши бўйича уни махсус билимларидан фойдаланиш мақсадида жалб қилган томонларга бирон-бир тарзда тобе бўлиши мумкин эмас.

Мутахассиснинг ўз касбига нолийқлиги жиноят иши юритишда уни рад қилиш учун муҳим асос ҳисобланади. Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида "ўз касбига нолийқлик" тушунчасига расмий таъриф берилмаган. Юридик адабиётларда мазкур тушунчага берилган таърифларга дуч келиш мумкин. Бунда "мутахассиснинг ўз касбига нолийқлиги" деганда мутахассисда ўз олдида кўйилган, у ёки бу тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этиш учун махсус билимлар ва амалий кўникмаларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги тушунилади [13].

В.В.Мозяков "ўз касбига нолийқлик" тушунчасининг мазмунига мутахассис сифатида чақирилган шахсда керакли махсус билимларнинг, шунингдек уларни

амалда қўллаш кўникмаларининг йўқлигини (масалан, мутахассис далилларни аниқлаш ва қайд этиш учун зарур техник воситага эга бўлмаса) киритади[14].

А.Г.Смородинова фан, техника, санъат ёки амалий фаолиятнинг муайян соҳасида махсус билимлар ва кўникмаларнинг мавжудлиги мутахассиснинг ўз касбига лойиқлигини белгилайдиган бирдан-бир омил эмаслигини қайд этади. Унинг фикрича, мутахассис мазкур билимлар ва кўникмаларни қўллаш усуллари ва услубларини қай даражада билиши ҳам муҳимдир[15].

Амалдаги жинойт-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ терговчи мутахассиснинг ўз касбига лойиқлигига тергов ҳаракатини бошлашдан олдин ишонч ҳосил қилиши лозим. Тергов ҳаракатини юритишда мутахассис иштирокининг самарадорлиги унинг махсус билимлари даражасига, шунингдек уларни қўллаш кўникмаларига боғлиқдир. Шу сабабли терговчи мутахассиснинг ўз касбига нолийқлигини бевосита тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин аниқлаши бутун дастлабки терговга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ю.Т.Шуматов бу хусусда шундай деб ёзади: "Мутахассиснинг ўз касбига нолийқлиги уни рад қилиш учун асос сифатида бевосита тергов ҳаракатини юритишдан олдин аниқланади. Натижада мутахассисни алмаштириш зарурати пайдо бўлади, бу эса, ўз навбатида, тергов ҳаракатини ўтказиш кечиктирилишига, тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари қайта чақирилишига олиб келади. Бундан ташқари, керакли билимлар соҳасида бошқа, янада билимдон мутахассисни топиш осон бўлмаслиги мумкин"[16].

Фикримизча, терговчи мутахассиснинг ўз касбига лойиқлигига бевосита тергов ҳаракатини юритишни бошлашдан олдин эмас, балки унда иштирок этиш учун мутахассисни танлаш пайтида ишонч ҳосил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассиснинг ўз касбига лойиқлигига терговчи олдиндан ишонч ҳосил қилиши тергов ҳаракатининг сифати ва самарадорлиги даражасини ошириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, С.В.Гурдиннинг қуйидаги фикрига қўшиламыз: "Терговчи мутахассиснинг ўз касбига лойиқлигини аниқлаш мақсадида у билан суҳбатлашиш жараёнида у қачон, қаерда ва қандай махсус тайёргарликдан ўтганини; унинг иш (хизмат) жойи ва стажини; илгари у ёки бу тергов ҳаракатларини юритишда мутахассис сифатида иштирок этгани ёки иштирок этмаганини аниқлайди. ...мутахассисни тавсифловчи маълумотларни терговчи унинг хизматдошлари ва раҳбарларидан, илгари унинг махсус билимларидан фойдаланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларидан олиши мумкин"[17].

2. Тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш.

Мутахассис тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга қандай саволларни ва қай шаклда бериши мумкинлиги қонунда белгилаб қўйилмаган. Савол бериш, умуман олганда, уни овоз чиқариб айтишни англатади. Ҳамонки мутахассис процессуал ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилинар экан, у фақат ўзи иштирок этаётган тергов ҳаракатлари хусусида саволлар бериши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин.

ЖПК 102-моддасига мувофиқ ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди. Кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш

мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади. Бизнингча, сўроқни ўтказишда амал қиладиган мазкур қоида мутахассисга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Бизнинг назаримизда, тергов ҳаракатида иштирок этаётган мутахассис саволни тергов ҳаракати баённомасида қайд этиш тўғрисида илтимоснома бериши мумкин. Суриштирувчи ёки терговчи саволни қайд этишга рухсат бергандан кейин савол дастлабки терговни юритаётган шахс томонидан уни ўқиб эшиттириш йўли билан ёки жиноят процессининг иштирокчиси уни шахсан ўқиши йўли билан берилиши мумкин.

3. Ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш, ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш.

Мутахассис ўзининг мазкур ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун дастлабки терговни юритаётган шахс тергов ҳаракати баённомаси тузилганидан кейин мутахассисга унинг мазмуни билан, шунингдек баённомага иловалар билан танишиш имкониятини бериши лозим.

Мутахассис арз ва мулоҳазалар билдиришни қай шаклда амалга ошириши мумкинлиги қонунда белгилаб қўйилмаган. Бизнингча, у арз ва мулоҳазаларни ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда билдириши мумкин, бунда ўз арз ва мулоҳазаларини қай шаклда билдиришни мутахассиснинг ўзи ҳал қилади. Мутахассиснинг арз ва мулоҳазаларини терговчи, суриштирувчи тергов ҳаракати баённомасига киритиб қўйишлари шарт. Агар тергов ҳаракатини юритишда оғзаки нутқни қайд этишга қодир техника воситалари қўлланилган (аудиоёзув, видеоёзувга олиш ва ҳоказолар ўтказилган) бўлса, бунда билдирилган арз ва мулоҳазалар ҳам тергов ҳаракати баённомасида қайд этилиши лозим.

Мутахассис арз ва мулоҳазалар билдирмаган ҳолда, тергов ҳаракати баённомасига уларнинг йўқлигини кўрсатувчи тегишли ёзув киритиб қўйилиши лозим.

Фикримизча, ЖПКнинг 70-моддаси 1-қисмида мутахассис процессуал ҳаракатларни юритиш чоғида фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқларнинг барчаси кўрсатилмаган. А.Верещагина фикрига кўра, мутахассис яна қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир: 1) тегишли нарсалар ва ҳужжатларни топиш, олиб қўйиш ва сақлаш, техника воситаларини қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, ўз касбий ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш; 2) ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқни қўловчи томонидан бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш; 3) хавфсизлик чораларини қўллаш; 4) хизматиюдан фойдаланганлик учун ҳақ олиш; 5) таржимонни рад қилиш[18].

В.А.Снегков қайд этишча, мутахассис жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳуқуқлар билан бир қаторда, амалда бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади, масалан:

- ўзи нима мақсадда, қайси тергов ҳаракатида иштирок этиш учун чақирилаётганини, терговчининг батафсил топширигини, терговчи унга топширишни мўлжаллаётган ҳаракатларни билиш;

- тергов ҳаракатлари қайси иш бўйича ўтказилаётган бўлса, шу ишнинг тафсилотларини, шу жумладан далилларни топиш ва олиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган, лекин, унинг фикрича, иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ҳолатларини ҳам билиш;

- усуллар ва воситаларни мустақил равишда, ўз ихтиёри ва ташаббусига кўра қўллаш, техник хусусиятга эга бўлган масалаларни ҳал этиш (тергов ҳаракатининг терговчи томонидан белгиланган предмети, мақсад ва вазифалари доирасида)[19].

Мутахассисга юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар берилиши билан бир қаторда, қонунга мувофиқ муайян мажбуриятлар ҳам юкланади. Мазкур мажбуриятлар ЖПКнинг 70-моддаси 2-қисмида саналган. Бундан ташқари, мутахассиснинг мажбуриятлари таркибида экспертлик-криминалистика хизматлари ташкил этилган идораларнинг норматив ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган. А.М.Зимин қайд этишича, амалда тергов ҳаракатини юритишда иштирок этаётган мутахассиснинг қуйидаги мажбуриятлари ҳам назарда тутилган:

- терговчининг чақирувига биноан тергов ҳаракатида иштирок этиш учун келиш;
- терговчига юз берган ҳодиса вазиятини ўрганиш ва қайд этишда, излар ва ашёвий далилларни топишда кўмаклашиш;
- терговчи ўз олдига қўйган аниқ вазифалардан келиб чиқиб, далилларни топиш, қайд этиш ва олиб қўйиш учун илмий-техника воситаларини қўллаш;
- далилларни топиш, қайд этиш ва олиб қўйиш билан боғлиқ ҳолатларга терговчининг эътиборини қаратиш;
- ўз ҳаракатларини бажариш, қўлланилаётган техника воситалари ва бошқа масалалар юзасидан ўз билимлари доирасида тушунтиришлар бериш;
- жиноятларнинг сабабларини ва уларни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда терговчи ва манфаатдор шахсларга ўз махсус билимларидан ва уларни мазкур тергов ҳаракатида қўллаш натижаларидан фойдаланган ҳолда кўмаклашиш[20].

Мутахассиснинг умумий ва махсус (процессуал) ваколатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва пировард натижада бир-бирини тўлдиради.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мутахассис амалда фойдаланадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ЖПКнинг 70-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида мустаҳкамланганидан кенгрок, шу туфайли ҳам ЖПКнинг 70-моддаси биринчи қисмини қуйидаги ҳуқуқлар билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

- таржимон хизматидан фойдаланиш;
- агар у процессуал ҳаракатда иштирок этиш учун чақирилган бўлса, уни юритиш тартибини билиш;
- ўзини ўзи рад қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини юритишда иштирок этишдан бош тортиш;
- ўз иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларнинг баённомалари билан танишиш;
- жиноят ишининг тушунтиришлар бериш учун зарур бўлган объектлари ёки материалларини талаб қилиш;
- хизмати учун ҳақ олиш, улар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно;
- тергов ҳаракати юритилаётган жойга келиш ва бу ерда яшаш билан боғлиқ харажатлар қопланишини талаб қилиш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аверьянова Т.В. Судебная экспертиза. Курс общей теории. - М., 2009. - С. 183. (Averyanova T.V. Forensic examination. A course of general theory. - M., 2009. - p. 183.)
2. Белкин Р.С. Курс криминалистики. В 3-х т. Т. 2: Частные криминалистические теории. - М., 2017. - С. 80. (Belkin R.S. Forensics course. In 3 t. T. 2: Private forensic theories. - M., 2017. - p. 80.)
3. Арсеньев В.Д., Заблочкий В.Г. Использование специальных знаний при установлении фактических обстоятельств уголовного дела. - Красноярск, 2011. - С. 402. (Arseneyev V.D., Zablotsky V.G. The use of special knowledge in establishing the actual circumstances of the criminal case. - Krasnoyarsk, 2011. - p. 402.)
4. Пулатов Ю.С. Экспертизага жўнатилиши керак бўлган материаллар, моддалар ва буюмларга оид ҳужжатли маълумотларнинг хусусиятлари / "Суд экспертиза ютуқлари ва ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги илмий-амалий конференция. - Тошкент, 2001. - Б. 39. (Pulатов Yu.S. Features of the documentary materials, articles and articles that are to be sent to the Expertise / Theoretical and practical conference on "Prospects for forensic science achievements and development prospects". - Tashkent, 2001. - p. 39.)
5. Муҳитдинов Р.А. Жиноятчиликка қарши курашда суд экспертизасининг роли / "Ўзбекистонда суд экспертизасининг ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги Республика идоралараро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2006. - Б.13. (Muhitdinov R.A. The role of forensic expertise in combating crime / Materials of the Republican Interdepartmental Scientific-Practical Conference on the Prospects of Judicial Expert Examination in Uzbekistan. - Tashkent, 2006. - p.13.)
6. Отаҳўжаев С.А. Суд экспертизасининг ҳозирги босқичдаги долзарб муаммолари. / "Ўзбекистонда суд эксперт изасининг ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги Республика идоралараро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2006. - Б. 24. (Otaxuzhaev S.A. Actual problems of judicial expertise at this stage. Materials of the Republican Interdepartmental Scientific-Practical Conference on the Prospects of Judicial Expert Review in Uzbekistan. - Tashkent, 2006. - p. 24.)
7. Алимова Р., Отаҳўжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. Ўқув қўлланма. Маъсул муҳаррир: проф. М.Х.Рустамбаев. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. - Б. 3. (Alimova R., Otakhuzhaev S. Issues of the organization and conduct of forensic examination. Educational manual. Responsible editor: prof. M.H.Rustambaev. - Tashkent: New Generation, 2001. - p. 3.)
8. Исаров Қ.И. Оқил судловни амалга оширишда суд экспертизасининг ўрни / "Ўзбекистонда суд эксперт изасининг ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги Республика идоралараро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2006. - Б. 14. (Isarov Q.I. The role of forensic examination in the administration of justice / Materials of the Republican Interdepartmental Scientific-Practical Conference on the Prospects of Judicial Expert Review in Uzbekistan. - Tashkent, 2006. - p. 14.)
9. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс.... - Тошкент: ТДЮИ, 2010. - 232 б. (Astanov I.R. Criminal investigation: theory and practice. - Tashkent: TSIL, 2010. - p. 232)
10. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс.... - Тошкент: ТДЮИ, 2010. - 232 б.; Колкутин В.В., Зосимов С.М., Пустовалов Л.В., Харламов С.Г., Аксенов С.А. Судебные экспертизы. - М., 2001. - С. 20-26.; Практическое руководство по производству судебных экспертиз для экспертов и специалистов: Научно-практическое пособие / Под ред. Т.В.Аверьяновой, В.Ф.Статкуса. - М., 2011. - С. 38-42. (Astanov I.R. Criminal investigation: theory and practice. - Tashkent: TSIL, 2010. - p. 232.; Kolcutin V.V., Zosimov S.M., Pustovalov L.V., Kharlamov S.G., Aksenov S.A. Forensic expertise. - M., 2001. - P. 20-26; A practical guide for the production of forensic examinations for experts and specialists: Scientific and practical guide / Ed. TV Averyanovoy, VFStatkus. - M., 2011. - pp. 38-42.)
11. Балакшин В.С. Оценка допустимости доказательств. // Уголовный процесс. 2017. №1. - С. 39. (Balakshin V.S. Assessment of the admissibility of evidence. // Criminal process. 2017. №1. - p. 39.)
12. Зимин А.М. Криминалист в следственных действиях: Учебно-практическое пособие. - М., 2014. - С. 21. (Zimin A.M. Criminalistics in investigative actions: Educational and practical manual. - M., 2014. - p. 21.)

13. Деревягин Ю.Т., Гаритовская Э.В., Толеубекова Б.Х. Участие специалиста-бухгалтера в проведении следственных и непроцессуальных действий по делам о хищениях социалистического имущества. - М., 1989. - С. 18. (Derevyagin Yu.T., Garitovskaya E.V., Toleubekova B.Kh. Participation of an accounting specialist in investigative and non-procedural actions in cases of embezzlement of socialist property. - M., 1989. - p. 18.)

14. Комментарий к УПК РФ: Практическое руководство для следователей, дознавателей, прокуроров, адвокатов / Под общ. ред. В.В.Мозякова. - М., 2002. - С. 166. (Commentary on the Code of Criminal Procedure of the Russian Federation: A Practical Guide for Investigators, Inquirers, Prosecutors, Lawyers / Ed. ed. V.V. Mozyakov. - M., 2002. - p. 166.)

15. Смородинова А.Г. Проблемы использования специальных познаний на стадии возбуждения уголовного дела в российском уголовном процессе: Дисс. □канд. юрид. наук. - Саратов, 2001. - С. 78-79. (Smorodina A.G. Problems of using special knowledge at the stage of initiating a criminal case in the Russian criminal process: Diss. ... Cand. legal sciences. - Saratov, 2001. - p. 78-79.)

16. Шуматов Ю.Т. Использование специальных познаний на предварительном следствии: Дисс. □канд. юрид. наук. - М., 1996. - С. 78-79. (Shumatov Yu.T. The use of special knowledge in the preliminary investigation: Diss. ... Cand. legal sciences. - M., 1996. - P. 78-79.)

17. Гурдин С.В. Участие специалиста-кинолога на досудебных стадиях уголовного процесса: Дисс. □канд. юрид. наук. - М., 2001. - С. 25. (Gurdin S.V. Participation of a specialist cynologist at the pre-trial stages of the criminal process: Diss. ... Cand. legal sciences. - M., 2001. - p. 25.)

18. Верещагина А. Институт специалиста // Уголовное право. 2007. №3. - С. 88. (Vereshchagina A. Institute of the specialist // Criminal Law. 2007. №3. - p. 88.)

19. Снетков В.А. Основы деятельности специалиста экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел: Учебное пособие. - М., 2001. - С. 30. (Snetkov V.A. The basics of a specialist expert forensic units of the internal affairs bodies: Tutorial. - M., 2001. - p. 30.)

20. Зимин А.М. Криминалист в следственных действиях: Учебно-практическое пособие. - М., 2004. - С. 25. (Zimin A.M. Criminalistics in investigative actions: Educational and practical manual. - M., 2004. - p. 25.)

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,

Тошкент давлат юридик
университети кафедра доценти,
Ҳуқуқ доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-6>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАР ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНING УМУМИЙ ТАВСИФИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудида маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг XX аср бошига қадар бўлган давр мисолидаги қисқача таҳлили, Ўзбекистонда маъмурий процедуралар қонунчилик асосларининг вужудга келишининг умумий тавсифи, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниш жараёнининг қисқача таҳлили ҳамда мазкур қонуннинг умумий тавсифи келтириб ўтилади.

Калит сўзлар: маъмурий процедуралар қонунчилик асосларининг вужудга келиши, маъмурий процедураларнинг умумий тавсифи ва амал қилиш доираси.

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,

Доцент кафедры Ташкентского
государственного юридического университета,
Доктор права

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВОЗНИКНОВЕНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ ОСНОВ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: в данной статье приводится краткий анализ правовых основ административных процедур на территории Узбекистана на примере периода до XX века, общая характеристика возникновения законодательных основ административных процедур в Узбекистане, в том числе, краткий анализ процесса принятия закона Республики Узбекистан "Об административных процедурах" и общая характеристика этого закона.

Ключевые слова: возникновения законодательных основ административных процедур, общая характеристика и сфера действия административных процедур.

Nematov Jurabek Nematilloevich,

Associate Professor at Tashkent State
University of Law, Doctor of Law

GENERAL CHARACTERISTICS OF THE EMERGENCE OF THE LEGISLATIVE BASES OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: This article provides a brief analysis of the administrative procedure in the territory of the Uzbekistan until XX century and a general description of the emergence of the legislative framework of

administrative procedures in Uzbekistan, including a brief analysis of the adoption process of the law of the Republic of Uzbekistan "On administrative procedures" and a general description of this law.

Key words: the emergence of the legislative framework of administrative procedures, general characteristics and scope of administrative procedures.

For citation: Nematov Jurabek Nematilloevich. GENERAL CHARACTERISTICS OF THE EMERGENCE OF THE LEGISLATIVE BASES OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 38-53

Ўзбекистонда маъмурий процедуралар қонунчилик асослари масаласига мурожаат этар эканмиз, аввало, маъмурий процедураларнинг ёки унга яқин бўлган масалаларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлишининг тарихий асосларига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Чунки тарихий манбаларнинг таҳлили маъмурий процедураларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлиш шарт-шароитларининг қиссий-ҳуқуқий таҳлилида тарихий нуқтаи назардан баъзи бир керакли хулосалар қилишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий процедураларнинг ёки унга яқин бўлган масалаларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлишининг тарихий асосларини мавжуд бўлган тузум ҳамда тарихий жараёнларни эътиборга олган ҳолда ушбу даврларни шартли равишда ушбу тадқиқот доирасида учга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар қуйидагилар: 1) XX аср бошига қадар бўлган давр; 2) совет даври"[1]; 3) Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги давр. Мазкур мақолада Ўзбекистон ҳудудида XX аср бошига қадар бўлган даврда ҳамда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг ривожланиши таҳлил қилинади.

Ўзбекистон ҳудудида XX аср бошига қадар маъмурий процедураларга ўхшаш масалаларнинг тарихий асослари. XX аср бошига қадар маъмурий процедураларнинг ёки унга яқин бўлган масалаларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлишининг тарихий асосларига қисқача тўхталиб ўтар эканмиз, ушбу даврнинг жуда ранг-баранглигини ҳам эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Ушбу даврда гарчи маъмурий процедуралар деган атама қўлланилмаган бўлсада, маъмурий процедураларга яқин ёки ўхшаш масалалар шартли равишда у ёки бу тарзда мавжуд бўлган, тартибга солинган ёки мутафаккир олимларимиз асарларида бебаҳо фикрлар келтириб ўтилган дейишимиз мумкин. Мисол учун, қадимги "Авесто", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ("Саодатнома") каби асарларда, ислом манбаларида (ҳадис ва оятларда), Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Низомумулкнинг "Сийосатнома", Амир Темурнинг "Темур тузуклари" ҳамда замонавий тарихчи олимларимизнинг ўрта асрлар ҳақидаги илмий-таҳлилий тадқиқот ишларида фуқароларнинг давлат билан муносабатлари, давлат органларига мурожаат қилиши ва унинг тартиботи каби маъмурий процедураларга яқин масалалар ҳақида тўхталиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин[2].

Ўрта аср фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Аристотелдан кейинги йирик мутафаккир ёки "Иккинчи муаллим" деб ном олган ватандошимиз Абу Наср Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асари "Талхису навомиси Афлотун" (Афлотун қонунлар моҳияти ҳақида) китобининг 7-бўлимида: "Афлотун "Соҳиби қонунлар ўз асрининг ва келгуси асрларнинг одамлари мурожаат этадиган таълимот жорий этишлари зарурлиги ҳақидаги масалани тушунтириш билан бошлайди. Бу энг муҳим иш эканлигини эслатиб ўтади"[3].

Фуқароларнинг мурожаатлари Сомонийлар давлатида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлган. Жумладан, Сомонийлар давридаги 10 та девондан бири "хат-хабарлар мутасаддиси девони" деб номланиб, ушбу девон вакиллари "маҳаллий идора ва ҳокимлар фаолияти ҳақида ҳаққоний маълумотлар тўплаб, тўғридан-тўғри даргоҳга юбориш имкониятига эга бўлганлар"[4].

Ўрта асрларда фуқароларнинг мурожаатларига оид нодир манбалардан яна бири Салжукий шоҳларининг марказлашган кучли давлат барпо этишига катта ҳисса қўшган Алпарслон ва унинг ўғли Маликшоҳ даврида вазирлик лавозимида фаолият кўрсатган Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" асари ҳисобланади. "Сиёсатнома" асарида Низомулмулк "шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва муруватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади"[5]. Низомулмулкнинг фикрича, "раият аҳли, зулму ситам кўрган ҳар бир киши, умуман норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан бошлаб вазир ва шоҳнинг ўзигача қабулларига бориб, шикоятни ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур". "Сиёсатнома"нинг 3-фасли "Подшоҳнинг мазлумларни қабул қилиши, одил ва яхши хулқли бўлиши ҳақида" бўлиб, унда шундай дейилади: "Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар оқибатини ўйлаб, қўрқиб бедодлик қилмайдилар"[6]. "Сиёсатнома"нинг 29-фасли "Катта ва кичикларни қабул қилиш тартиби ҳақида" бўлиб, унда шундай дейилади: "Подшоҳ қабули камайса, ишлар чалкаш, раият азобга гирифтор бўлади. Энг яхши қоида-кўпроқ қабул маросимларини ўтказиш, қабул қилиш камайган ҳолларида фитначилар куч тўплаб, мамлакат ва лашкар аҳволини огирлаштирадидилар. Қабул маросими ўтказилса, атрофдаги ҳокимлар, амир, саййид ва имомлар келишсин" деб фуқароларни қабул қилишнинг ўз замонасига хос бир неча тартиб-қоидалари ҳақида тўхталиб ўтилган[7]. "Сиёсатнома"нинг 49-фасли "Шикоятга келганлар жавобини бериш ва уларнинг ишларини инсоф билан ҳал қилиш ҳақида" бўлиб, унда шундай дейилади: "Зулм кўрган кишилардан кўпи султон саройидан адолат истаб, муқим бўлиб қоладилар. Улар ўз ариза ва шикоятларига жавоб олсалар ҳам, баъзан кетмайдилар. Четдан кузатган бирор киши ё элчи уларни кўриб, дод-фарёдларини эшитиб, бу саройдан одамларга қаттиқ зулм ва ситам тегаркан, деб ўйлайди. Шунинг учун уларга инсоф эшигини очиб қўйиш керак. Фариб ва шаҳарлик кишиларнинг ҳожатларини йиғиб, бир жойда ёзиб қўядилар. Ходим беш кишиникидан ортиқ аризаларни кўтариб саройга кирмасин. Ҳожатлари чиққандан сўнг беҳуда ошуб ва фарёд кўтармасдан қайтиб кетишлари лозим. Шунда ишлар тез ҳал бўлиб, раият ҳам роҳатда бўлиб, олам обод, биров-бировга бедодлик ва ҳақсизлик қилмайдиган бўлади"[8]. Юқоридагилардан кўриш мумкинки, тадқиқот мавзуйимизга яқин масала юзасидан, жумладан, фуқароларнинг мурожаатларни қабул қилиш, уларни адолатли ҳал этиш, ўз вақтида жавоб йўллаш, мурожаат билан келувчиларни қабул қилишни юқори даражада ташкил этиш, мамлакатни мустаҳкамлаш, интизомли ва барқарор давлат барпо қилиш, аҳолининг давлатга ишончини кучайтириш, давлат бошқарувида суистеъмолликларга қарши курашиш

ва адолатли бошқарувни ташкил этишда муҳим ўрин эгаллаши юзасидан Низомулмулк "Сиёсатнома" асарида ўзининг назарий фикрлари ва амалий тажрибаларини ёритган.

Бундан ташқари, XI–XIII аср бошларида Хоразм воҳасида ҳукмронлик қилган Ануштегинийлар (хоразмшоҳлар) салтанатида "қиссадор" лавозими жорий этилган бўлиб, у "ҳафта давомида султонга тушган арзлар, шикоятларни йиғиб, жума куни кечаси ҳукмдорга топширарди. Кейин эса ҳар бир арзчи ё шикоятчига тегишли жавобини берарди"[9].

Ўрта асрларда фуқароларнинг муурожаатларига оид нодир манбалардан яна бири соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуқлари" ҳисобланади. Амир Темур ўзининг "Темур тузуқлари"да 12 нарсани шиор қилиб олганини, жумладан, шулардан олтинчиси адолат ва инсоф билан давлатни бошқарганини таъкидлайди. "Темур тузуқлари"да "золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлагандан кейин уни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим" деб таъкидлайди. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги тўққизинчи тузуги сифатида "райят аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини ога қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим...Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу райят кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, ўрталаридаги алоқаларни ҳатта битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Бордию эгри ёзганлари менга билдирилса уларни жазоладим. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора" кўрганлиги каби тажриба ва ўғитлари келтириб ўтилади[10].

Юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки, ўрта асрларда, хусусан, теурийлар давлатида фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос тизими мавжуд бўлган ва бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Теурийлардан кейинги Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида "додхоҳ" лавозими бўлиб, у "тушган арзларни қабул қилиш, жавобини бериш ҳамда мамлакатдаги ижтимоий адолат тартибларига риоя қилишнинг назорати" вазифасини бажарган[11].

XX аср бошига қадар маъмурий процедураларнинг ёки унга яқин бўлган масалаларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлишининг тарихий асосларига қисқача тўхталиб ўтар эканмиз, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатлар маълум тарзда тартибга солинганлиги ёки бу ҳақида назарий фикрлар, амалий тажрибалар мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Албатта, келтирилган маълумотларга асосланиб, биз тадқиқ этаётган маъмурий процедураларнинг замонавий шакл ва мазмунда мавжуд бўлгани ёки функциялангани ҳақида гапириш қийин. Аммо юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда ҳам маъмурий процедураларга яқин бўлган масалалар ўзига хос тарзда ривожланиб борган ва долзарб аҳамият касб этган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳам маъмурий процедураларнинг ҳуқуқий асослари ўзига хос тарзда ривжланди дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўртасидаги муносабатларга таалуқли моддаларнинг умумий

мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат органлари ўз фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини етарли даражада ифода этиши зарурлиги, маъмурий органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг асослантирилган бўлиши, фуқароларга тушунарли ва тегишли тартиб-қоидалар асосида амалга оширилиши зарурлигини англаб олишимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 19-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас"лиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Конституциянинг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муудлатларда кўриб чиқилиши шарт" деб ўрнатилган.

Конституцияда тўғридан-тўғри маъмурий процедуралар ёки маъмурий тартиб-таомиллар деган сўзлар мавжуд бўлмасда, Конституция ва қонунларимизнинг умумий мазмунидан "фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган тартиб асосидагина чекланиши мумкин"лигини англаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари "белгиланган тартиб асосида" бошқача қилиб айтганда эса процессуал жиҳатдан тўғри(адолатли) ташкил этилган тартиб (процедура) асосида маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши мумкинлигини белгилаб чиқариш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилик маълум бир маънода Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари тўғрисида"ги қонунида ҳам келтириб ўтилган дейиш мумкин[12]. Чунки ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига қиладиган турли муурожаатлари, жумладан ариза ва шикоятларини кўриб чиқишининг маълум бир тартиб-таомили ўрнатилганини кўриш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам хусусий шахсларнинг маъмурий органларга муурожаатлари ва ушбу муурожаатларни кўриб чиқиш тартибига оид умумий қоидалар ўрнатиб қўйилганини эътироф этиш лозим[13]. Бироқ, мазкур процессуал қоидалар биз тадқиқ этаётган маъмурий процедуралардан кескин фарқ қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилик ўз мақсади, мазмун-моҳияти, принциплари ва бошқа процедуравий қоидаларига кўра маъмурий орган ва хусусий шахслар ўртасидаги муносабатнинг адолатли жараён асосида ўтишини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Шунга кўра, қуйида асосан маъмурий процедураларнинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги фикр юритилади.

2018 йил 8 январда Ўзбекистон маъмурий ҳуқуқининг ривожланиш тарихида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта воқеа содир бўлди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди ва қонун бир йилдан кейин кучга кириши белгиланди[14]. Қуйида мана шу қонуннинг қабул қилиниш тарихи ҳамда ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида иш 2004 йилда бошланган бўлиб, 2005 йилда Япония (JICA), АҚШ, Германия (GIZ) томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш дастури доирасида мазкур давлатлар мутахассислари кўмагида дастлабки қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан 2007 йил 29-30 сентябрь кунлари халқаро конференция ташкил этилган ва унда мазкур қонун лойиҳасининг аҳамияти ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида Япония, Германия, Россия каби бир қанча давлатлардан келган олимлар маърузалар қилишган[15].

Ҳуқуқшуно олимлар И.А.Хамедов ва И.М.Цайнинг фикрига кўра, 2005 йилда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси МДХ давлатлари ўртасида энг илгор бўлган[16].

Мазкур қонун лойиҳаси 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқулланмаган[17]. Шу тариқа биринчи қонун лойиҳаси муваффақиятсизликка учраган дейиш мумкин.

2007 йилги қонун лойиҳаси муваффақиятсизликка учраганининг асосий сабаби сифатида ушбу Қонун лойиҳасида назарда тутилган маъмурий процедура, маъмурий акт, тинглаш жараёни ва маъмурий процедураларнинг бир қанча муҳим қоидаларининг назарий-ҳуқуқий асослари етарлича ишлаб чиқилмагани, кўпчилик амалиётчилар томонидан қабул қилинмаганини (тушунилмаганини) келтириб ўтиш мумкин. Шунинг учун ҳам аввалида 143-моддан иборат бўлган Қонун лойиҳаси кескин қисқартирилган ва 34-моддан иборат таркибда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганини кўриш мумкин.

Лекин шуни ҳам унутмаслик лозимки, 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасида бир қанча муҳим ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топмаган эди. Масалан, маъмурий органларнинг ҳолислиги ҳақидаги ҳуқуқий меъёрларнинг мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир[18].

Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун лойиҳаси устидаги ишлар шу билан тўхтамаган. Япония мутахассислари ҳам 2010 йилга қадар ушбу ишда фаол қатнашишган[19].

Маъмурий процедуралар алоҳида қонун сифатидагина эмас, балки маъмурий судлов билан биргаликда ягона кодекс шаклида ҳуқуқий тартибга солинишига қаратилган уринишлар ҳам бўлганини кўриш мумкин. Жумладан, 2011 йил август ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан маъмурий-процессуал кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиб, унда маъмурий процедуралар ва маъмурий судлов ишларини юритишни бирлаштириш назарда тутилди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни эса алоҳида кодексда қолдириш назарда тутилган эди[20].

2012 йил GIZ (Германия) ва JICA(Япония) ташкилотлари кўмагида маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуннинг яна бир лойиҳаси ишлаб чиқилган эди[21]. Таъкидлаш жоизки, 2015 йилда GIZ томонидан Марказий Осиё давлатлари учун намунавий қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган эди[22].

Хусусий шахслар ва ижро органлари ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни процедуравий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун амалиётчилар ўртасида уни қабул қилишга бўлган эҳтиёжни тушунишнинг етарлича тарқалмагани ҳамда маъмурий

процедураларнинг асосий қоидаларининг назарий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмагани сабабларига кўра қабул қилинавермагач[23], 2012 йилда тadbиркорлик соҳасидаги маъмурий процедураларга оид масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг "Тadbиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди[24]. Ушбу қонун ҳам мазмун-моҳиятига кўра маъмурий процедураларга ўхшаш бўлиб, тadbиркорлик соҳасидаги рухсат бериш характеридаги маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ҳисобланади[25]. Лекин ушбу қонун фақат тadbиркорлик соҳасидаги ва фақат рухсат берувчи процедураларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилганлиги билан ажралиб турар эди. Фуқаролар адресат бўлиб қатнашадиган ишлар ва тadbиркорлик соҳасидаги бошқа турдаги маъмурий процедураларга ушбу қонун татбиқ этилмас эди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда маъмурий процедуралар тўғрисидаги умумий характердаги қонунни қабул қилиш зарурияти ҳали ҳам мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июндаги Ф-4305-сон фармойишининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддалар)га киритилган ўзгартиришлар муносабати билан амалдаги қонунларни мақбуллаштиришга қаратилган чора-тadbирлар дастури" 4-бандига асосан маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2015 йил учун қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида"ги 2015 йил 11 майдаги 116-сон қарорининг 6-бандида ҳам маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш назарда тутилган эди ва шу тариқа бу борадаги ишлар яна фаол олиб борила бошланди[26].

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳида қатнашган И.А.Хамедов ва И.М.Цайнинг фикрига кўра, 2007 йилда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланмагандан кейин 10 дан ортиқ қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди[27]. Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунни узоқ вақт қабул қилинмаслигига сабаблардан бири бу борадаги илмий қарашлар борасида маъмурий ҳуқуқ мутахассислари ўртасида яқдиллик йўқлигида ҳам намоён бўлади[28].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги фармонининг[29] қабул қилиниши билан Ўзбекистонда нафақат суд-ҳуқуқ тизими, балки маъмурий ҳуқуқ ривожланишининг янги даври бошланди[30]. Жумладан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий қонунчиликни тубдан такомиллаштириш белгилаб олинди. Шунингдек мазкур Фармоннинг 8-иловаси билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 15-бандида Ўзбекистон Республикаси МТТҚқонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида ҳам давлат бошқарувида бюрократлаштиришнинг олдини олишга қаратилган аниқ мезонлар ҳамда тартиб-таомилларни жорий этиш, маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш, ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш орқали тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштириш[31] каби маъмурий процедураларга бевосита боғлиқ масалалар 2017-2021 йилларда маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинган эди[32].

Шундан сўнг жуда ҳам қисқа давр мобайнида узоқ вақтдан бери амалга ошмаган маъмурий ҳуқуқий ислоҳотлар бирин-кетин амалга оширила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш белгилаб олинди[33]. Ўзбекистонда маъмурий судларни ташкил этиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси[34] ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди[35].

Шундан сўнг Ўзбекистонда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳал қилувчи босқичига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан GIZ (Германия) ташкилотининг кўмагида қисқа вақт ичида хорижий ва миллий тажриба яна бир бор ўрганилди ва тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди[36]. 87 моддадан иборат бўлган қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 27 декабрда 3/10-4298/1-сон хатга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Қонун лойиҳаси юзасидан бир неча вазирлик ва идораларнинг таклиф ва тавсиялари инobatга олиниб, бир неча бор қайта ишланди. Ҳатто Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам қонун лойиҳасини қайта ишлаш юзасидан 2017 йил сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамасига қайтарганини кўриш мумкин. Албатта, ушбу эътирозлар таҳририй характерга эга бўлиб, қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳиятига таъсир этмаган. Бироқ шуни ҳам тан олиш лозимки, Адлия вазирлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан Вазирлар Маҳкамаси ва Қонунчилик палатасига тақдим этилган қонун лойиҳасида бир қанча таҳририй ўзгаришлар билан бирга муҳим ўзгаришлар ҳам киритилганини кўриш мумкин. Мисол учун, маъмурий актининг ҳақиқийлигига доир бир қанча муҳим меъёрлар ушбу меъёрларнинг мазмунини етарлича тушунилмагани ва қабул қилилмагани боис чиқариб юборилганини келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2017 йил 11 сентябрдаги 90-сон баёнига мувофиқ Адлия вазирлигига вазирлик ва идоралар ўртасида МТТҚонун лойиҳасини қўшимча равишда муҳокамасини

ташқиллаштириш ва қайта кўриб чиқиш топширилган эди. Қонун лойиҳаси тегишли таклифлар асосида такомиллаштирилиб, Вазирлар Маҳкамасига қайта киритилди. Вазирлар Маҳкамаси, ўз навбатида, қайта ишланган ва такомиллаштирилган қонун лойиҳасини 2017 йил 18 октябрда (12/1-1966 сон хат асосида) Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қайта ишланган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ноябрь ойида биринчи ўқишда, 13-14 декабрь кунлари эса иккинчи ва учинчи ўқишда кўриб чиқилди. МТТТҚонуннинг қабул қилинишига оид архив материалларининг таҳлили шунинг кўрсатмоқдаки, Қонуннинг қабул қилинишига бўлган кучли сиёсий ироданинг мавжудлиги ва давлат бошқаруви мазмун-моҳиятининг халққа хизмат қилиш томонига кескин ўзгаргани боис қонунни қабул қилишга бўлган зарурият концептуал тўсиққа учрамаганини кўриш мумкин.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 14 декабрда қабул қилинди, Сенат томонидан эса 2017 йил 20 декабрда маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолагач, 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунини қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2018 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг ҳам қабул қилиниши[37] Ўзбекистонда маъмурий-ҳуқуқий қонунчиликни бир бутун ҳолатга келтирди ҳамда бу борада Марказий Осий давлатлари ичида 2018 йил январь ойи ҳолатида амалга оширилган маъмурий ислохотлар кўламига (жумладан, фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлардан алоҳида бўлган маъмурий судларнинг ташкил этилиши, МТТТҚонун ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилинишига) кўра Ўзбекистон энг етакчи ўринга чиқди.

Юқоридаги фикрларни мухтасар қилиб айтганда, 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси МТТТҚонунини қабул қилишда чет эл тажрибаси асосидаги, халқаро стандартларга жавоб берадиган, кўпгина ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган илғор қонунчилик тажрибаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистондаги миллий ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари асосидаги қонун қабул қилишга эришилди дейишга тўла асослар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси МТТТҚонун жами 7 боб, 88 модладан иборат бўлиб[38], Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга кириши белгилаб қўйилган (МТТТҚонуннинг 88-моддаси).

Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат эканлиги ўрнатиб қўйилган (Қонуннинг 1-моддаси).

Қонун умумий характерга эга бўлиб, маъмурий процедураларни амалга оширишга доир у ёки бу муносабатлар махсус маъмурий процедураларни белгиловчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонун нормалари қўлланилиши белгиланган (Қонуннинг 2-моддаси).

Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа

тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади. Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудоффаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди (Қонуннинг 3-моддаси). Бунда ариза ва шикоятлар билан маъмурий органларга муружаат қилиш каби масалаларда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қоидаларнинг татбиқ этилишини таъкидлаш жоиз бўлади.

Қонунда шунингдек маъмурий процедуралар деганда маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар тушунилиши келтириб ўтилган (4-модда). Ушбу ўринда Қонуннинг ўзбек ва рус тили матнидаги баъзи бир фарқли жиҳатлар, жумладан "процедура"ни "тартиб-таомил" деб, "административный акт"ни "маъмурий ҳужжат" деб номлаш ҳам мунозарали масала ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, "маъмурий тартиб-таомил" ўрнига "маъмурий процедура" сўз бирикмасини, "маъмурий ҳужжат" ўрнига "маъмурий акт"ни қўллаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва маъмурий процедураларнинг илмий-назарий асосларига мос бўлган бўлар эди. Зеро, МТТҚонуннинг бир қатор меъёрларида рус тилидаги тахрирда келган "документ" ва "акт" сўзлари ўзбек тилида бир хилда "ҳужжат" тарзида келтирилганини кўриш мумкин. Мисол учун, МТТҚонуннинг 8, 13, 14, 23, 34, 37, 42, 43, 44, 45, 52, 55, 57, 58, 61 моддалари ўзбек ва рус тилидаги матнини таққослаш мумкин. Бу эса маъмурий актнинг маъносини нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, маъмурий акт фақат "ҳужжат" кўринишида бўлмайди. Чунки унинг оғзаки, белгили ва бошқа шаклдаги кўринишлари ҳам мавжуд. Шунингдек, маъмурий акт маъмурий органнинг ички идоравий муносабатларига эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан чиқарилиши, жазолаш ва норматив характерга эга бўлмаслиги, тартибга солиш (регулятив) характерда бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шунга кўра, МТТҚонуннинг ўзбек тилидаги тахририда "маъмурий ҳужжат" ни "маъмурий акт" деб ўзгартириш таклиф этилади. МТТҚонуннинг рус тилидаги тахрирда келган "документ" сўзини эса ўзбек тилидаги тахрирда "ҳужжат" тарзида қолдириш ўринли бўлади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири унда маъмурий процедураларнинг қонунийлик, мутаносиблик, ишонччилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги, бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг "бир дарча" орқали амалга оширилиши, тенг ҳуқуқчилик, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги каби бир қатор асосий принциплари келтириб ўтилган.

Қонунда, шунингдек манфаатдор шахслар маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, маъмурий иш юритиш бўйича арз қилиш, илтимосномалар бериш, маъмурий органга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён этиш, бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важларига қарши эътироз билдириш, маъмурий ва процессуал ҳужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ўрнатиб қўйилган (Қонуннинг 24-моддаси).

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда маъмурий процедураларда ҳолисликни таъминлаш борасида "рад этиш" жараёнини тартибга солинган. Жумладан, Қонуннинг 31-моддасига кўра, маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда иштирок этишга қўйидаги ҳолларда ҳақли эмас, агар у:

мазкур маъмурий иш юритишда манфаатдор шахс бўлса;

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бири билан қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик муносабатига бўлса (бўлган бўлса);

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бирининг вакили бўлса ёки илгари унинг вакили сифатида айна шу маъмурий иш юритишда иштирок этган бўлса;

мазкур маъмурий ишни юритишда маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахс сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

бошқача тарзда шахсан, бевосита ёки билвосита маъмурий ишни ҳал этиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслар Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий органнинг мансабдор шахси ва маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашаётган шахсларни рад қилиш тўғрисида ёзма шаклда ариза беришга ҳақли эканлиги ўрнатиб қўйилган (Қонуннинг 32-моддаси).

Қонунда шунингдек, маъмурий процедуралар доирасида тегишли тарзда хабардор қилиш (33-модда), далиллар (34-модда) ва уларга баҳо бериш (35-модда), маъмурий иш юритиш муддатлари (36-модда), иш юритишни тўхтатиб туриш (37-модда), тиклаш (38-модда), тугатиш (39-модда)га оид бир қанча процедуравий қоидалар ҳам ўрнатилган.

Қонуннинг 3-боби маъмурий иш юритишга бағишланган бўлиб, унда аризалар юзасидан иш юритувга оид бир қанча процедуравий қоидалар ўрнатилган.

Маъмурий акт тўғрисидаги қоидалар Қонуннинг 4-бобидан ўрин олган. Жумладан, маъмурий актнинг шакли (52-модда), мазмунига қўйилган талаблар (53-модда), маъмурий актни асослантириш (54-модда), маъмурий актнинг кучга кириши (55-модда), амал қилишининг тугатилиши, маъмурий актни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш (59-модда) ва маъмурий актни бекор қилиш тартибига (60-модда) оид бир қанча муҳим қоидалар ўрнатиб қўйилган.

Маъмурий процедуралар маъмурий органлар учун мажбурий бўлган иш юритувнинг ҳамма маъмурий органлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ягона ва умумий қоидаларини ўрнатиш баробарида маъмурий органлар томонидан асосиз равишда процедуравий қоидаларни бузиш орқали хусусий шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахл қилишини олдини олади. Шу маънода, маъмурий органларнинг хоҳлаган пайтда, асосиз тарзда ўзлари қабул қилган қарорларини ўзгартиравериш имконияти қонун билан чекланди. Бундан кейин, ҳар бир маъмурий орган ўз иш юритуви ва маъмурий актни чиқариш жараёнида, албатта, МТТҚонун талабларига риоя этишига тўғри келади.

Қонуннинг 5-бобида маъмурий шикоят бўйича иш юритишга оид бир қанча процедуравий қоидалар ўрнатилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур қоидалар у ёки бу тарзда ҳозиргача ҳам турли қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари тўғрисида"ги қонунда ҳам ўрнатиб қўйилган эди[39]. Маъмурий иш юритувга оид барча қоидаларнинг ягона қонунда акс эттирилиши уни амалиётда қўллашда турли қийинчилик, ҳар хил (турлича) тушунишларнинг олдини олиш баробарида ижро органлари ишини қулайлаштиради. Шу маънода, МТТҚонунда маъмурий тартибда шикоят қилишга оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. Жумладан, маъмурий шикоят предмети (62-модда), шикоят қилиш тартиби (63-модда), шикоят бериш муддати (64-модда), маъмурий шикоят шакли ва мазмуни (65-модда), маъмурий шикоятни кўриб чиқиш (66-модда), маъмурий шикоятни кўриб чиқиш муддати (67-модда), маъмурий шикоятни чақириб олиш (68-модда), маъмурий шикоят бўйича қарор қабул қилиш (69-модда) ҳамда маъмурий шикоят қилинганда маъмурий актининг амал қилиши ва ижро этилишининг тўхтатиб турилиши (70-модда)га оид процедуравий қоидалар акс этган[40].

Қонуннинг 7-бобида маъмурий регламентлар (84-модда), Қонуннинг ижроси, ижрозчиларга етказилиши, Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш (86-модда), Қонун ҳужжатларини ушбуқонунга мувофиқлаштириш (87-модда) ҳамда қонуннинг кучга кириши[41] (88-модда) га оид яқуний қоидалар ўз ифодасини топган.

Юқорида, Ўзбекистонда маъмурий процедуралар қонунчилик асосларининг вужудга келишига оид масалаларга тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуннинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у маъмурий ҳуқуқнинг умумий асосларига оид муҳим талаб ва қоидаларни ҳам ўзида акс эттиради[42]. Шу маънода мамлакатимизда МТТҚонуннинг қабул қилиниши маъмурий ҳуқуқнинг умумий асосларини бундан кейин ривожлантиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос ва туртки бўлади дейишга тўла асосимиз мавжуд.

Иқтибослар/Сноски/Reference:

1. Совет даври ҳақида қаранг.: Нематов Ж. Ўзбекистон ҳудудида маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг тарихий ривожланиш динамикаси (совет даври мисолида). // Ҳуқуқий талқиқотлар журнали. 2019 № 2. - Б. 20-28. (Nematov J. The dynamics of the historical development of the legal framework of administrative procedures in the territory of Uzbekistan (on the example of the soviet period). // Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, - P. 20-28).

2. "Авесто"даги тўғри сўзлик ва унда фуқаролар дарду муурожаатлари билан ишлашнинг аҳамияти ҳақида қаранг.: Мухитдинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. - Б. 36-41. (Mukhitdinova F. History of political and legal doctrines. Textbook. - T.: Publishing house of TSUL, 2012. - P. 36-41.)

Мисол учун, "Авесто"да давлат ва жамиятни тўғри бошқаришда тўрт устун (адолат, давлат, ақлу заковат, қаноат) муҳимлиги таъкидланади. (For example, "Avesto" stresses the importance of four pillars (justice, state, intelligence, intelligence) in the proper management of the state and society.)

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: Янги аср авлоди.,2016. - Б. 11,56.; Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. Nodir va dono fikrlar. - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. - В. 88. Бундан ташқари, ўрта асрлар шарқ уйғониш даври қомусий олимларидан Абу Райхон Беруний, Ибн Сино ҳам давлат бошқаруви ва унда фуқаролар дарду-мужолатлари билан ишлашнинг аҳамияти ҳақида ўзларининг фикрларини келтириб ўтганлар. Қаранг.: Muhitdinova F. O'zbekiston siyosiy va huquqiy ta'limotlari tarixi. - T.: TDYI nashriyoti, 2007. - P. 48-56. (See.: Abu Nasr Forobiy. City of good people. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2016. - P. 11,56.; Abu Nasr Forobiy. City of good people. Rare and wise ideas. - T.: Public scientific publishing house "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2004. - P. 88. Moreover, Abu Raykhan Beruniy and Ibn Sino from the medieval scholars of the Oriental Renaissance, and the importance of working with citizens' complaints in public administration they have expressed their opinion on this matter. See: Mucitdinova F. The history of political and legal education in Uzbekistan. - T.: TSUL publishing house, 2007. - P. 48-56.)

4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). - Тошкент: "Шарқ", 2000. - Б. 94-95 (See.: Azamat Ziyu. History of the Uzbek statehood (from the earliest ages to the Russian invasion). - Tashkent: "Sharq", 2000. - P. 94-95.)

5. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сиёр ул-мулк. -Тошкент: Адолат, 1997. - Б. 10.(See.: Nizomulmulk. Politics or Siyar ul-mulk. -Tashkent: Adolat, 1997. - P. 10.)

6. Ўша жойда. - Б. 20-21. (Id at - P. 20-21)

7. Ўша жойда. - Б. 121-122. (Id at - P. 121-122)

8. Ўша жойда. - Б. 229-230. (Id at - P. 229-230)

9. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б. 144. (Azamat Ziyu. History of the Uzbek statehood (from the earliest to the Russian invasion). - Tashkent: Sharq, 2000. - P. 144.)

10. Темур тузуқлари. - Тошкент.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1996. - Б. 70-71. (Temur rules. - Tashkent.: Literature and Art Literature named after F.Gulom, 1996. - P. 70-71.). Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур салтанатидаги муҳим вазифалардан бири арзбеги бўлиб, "Темур тузуқлари"да бу лавозим ҳақида шундай дейилган: "Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласанда. У сипоҳ, раият ва арз-дол қилиб (ҳузуримга келувчиларнинг) аҳволини, мамлакатнинг обод-ҳароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсинлар" (Темур тузуқлари -Тошкент.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1996. - Б. 108). (Temur rules. - Tashkent.: Literature and Art Literature named after F.Gulom, 1996. - P. 108). Мирзо Улўғбек, Бобур ва Алишер Навоийнинг адолатли давлат бошқаруви ва фуқароларнинг мужолатлари тўғрисидаги қарашлари ҳақида, қаранг.: Muhitdinova F. O'zbekiston siyosiy va huquqiy ta'limotlari tarixi. - T.: TDYI nashriyoti, 2007. - В. 79-89. (Muhitdinova F. The history of political and legal education in Uzbekistan. - T.: TSUL publishing house, 2007. - P. 79-89)

11. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б. 177-178, 244, 269. (Azamat Ziyu. History of the Uzbek statehood (from the earliest ages to the Russian invasion). - Tashkent: Sharq, 2000. - P. 144.)

Бухоро амирлигида ҳам долдох, яъни "жабланувчилар арзини амирга етказиш ва жавобини олиб беришга маъсул, баъзан олий ҳукмдор рухсати билан ўзи ҳам даъвогарларнинг талабларини қондириши мумкин бўлган" вазифаси мавжуд бўлган. Ўхшаш вазифа ва лавозимлар Хива ва Кўқон хонлиқларида ҳам бўлган. (Қаранг: Ўша жойда. - Б. 294, 296-297). Бундан ташқари, ўзбек адабиётининг йирик номоёндаларидан бири бўлмиш Абдурауф Фитрат ўзининг тарихий-публистик асарларидан бирида Амир Олимхон даврида қозикалоннинг фуқаролар мужолатлари билан ишлаш ҳолати ҳақида ҳар кунлик маълумотлар бериб туриш ҳуқуқи мавжуд бўлганини таъкидлаб ўтган. (Қаранг: Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. - Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси. "Минҳож" хайрия нашриёти, 1992. - Б. 38-39). (Fitrat A. Amir Alimkhan's ruling ages. - Tashkent: Writers Union of Uzbekistan. Minhoj Charity Publication, 1992. - P. 38-39).

12. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мужолатлари тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-445-сон қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон). (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-445 dated September 11, 2017. On adoption of amendments and supplements to the Law of the Republic of Uzbekistan "On Appeals of Individuals and Legal Entities")

13. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги 71-П-сон қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2018 й., 03/18/494/1992-сон). Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (Кучга кириш санаси 01.01.2008 ЎР ҚҚТ, 2007 й., 52 (1)-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон); Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. (Кучга кириш санаси 22.04.2016. ЎР ҚҚТ, 2016 й., 3(1)-сон, 31-молда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон); Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-молда).

(Law of the Republic of Uzbekistan dated May 25, 2000 No. 71-II "On licensing special types of activity". The Tax Code of the Republic of Uzbekistan. Customs Code of the Republic of Uzbekistan. Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-328 of May 2, 2012 "On introducing amendments and addenda to the Law of the Republic of Uzbekistan" On guarantees of freedom of entrepreneurship").

14. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида" ги ўРҚ-457-сон қонуни (Қўча қириш санаси 2019 йил 10 январь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2018 йил 9 январь 03/18/457/0525-сон). (Law of the Republic of Uzbekistan dated January 8, 2018 "On administrative procedures" LAW-457).

15. Shigeru Kodama. Reform of Administrative Procedure in Uzbekistan and Japanese Legal Assistance // Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. - Nagoya, 2008. - P. 5; Katsuya Ichihashi. Japanese approach to legal assistance to administrative procedure law in Uzbekistan// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. - Nagoya, 2008. - P. 35; Hiroto Tokuda. Cooperation between Japan and Uzbekistan in the sphere of implementation of administrative procedure law// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. - Nagoya, 2008. - P. 47; Muzraf Ikramov. Administrative procedures in Japan: opportunities for implementation into the legislation of Uzbekistan// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. - Nagoya, 2008. - P. 81; Igor Tsai. A report on problems of the draft law on administrative procedures// Administrative law reform in Uzbekistan experiences and problems from the legal viewpoint. Collection of seminar papers. - Nagoya, 2008. - P. 99; Хамедов И.А., Цай И.М. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане. // Ежегодник публичного права - 2014: "Административное право: сравнительно-правовые подходы". - М.: Инфотропик Медиа, 2014. - С. 394 (Khamedov I.A., Tsai I.M. The institution of administrative procedures in the light of the reform of administrative procedure law in Uzbekistan. // Yearbook of Public Law - 2014: "Administrative Law: Comparative Legal Approaches". - М.: Infotropik Media, 2014. - P. 394.).

16. Хамедов И. А., Цай И. М., Ежегодник публичного права 2014. Указ.соч. - С. 394 (I. Khamedov, I. Tsai, M., Yearbook of Public Law 2014. - P. 394).

17. Изоҳ: таъкидлаш жоизки, Қонун лойиҳасининг 2007 йил 21 июндаги варианты жами 34 моддалан иборат таркибда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, дастлабки варианты эса жами 143 моддалан иборат бўлган. Қаранг.: Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилнинг ҳуқуқий муаммолари, // Жамият ва бошқарув, - 2014 № 4. -Б. 69-81. (Note: It should be noted that the draft version of the draft law dated June 21, 2007, was adopted by the Legislative Chamber in the total of 34 articles, and the initial version of draft law consisted of 143 articles. See.: Nematov J. Legal issues of the administrative procedure in the Republic of Uzbekistan.// Society and administration, - 2014 № 4. - P. 69-81.).

18. Изоҳ: 2007 йилдаги МТТҚонун лойиҳасининг 14-16-моддаларига қаранг (Note: See article 14-16 of the draft law On Administrative Procedure dated 2007).

19. Изоҳ: мисол учун 2007 йил 29-30 сентябрда халқаро конференция ўтказилган. См.: Материалы Международной конференции на тему "Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования" 29-30 сентября 2007 года./ Отв.ред. М.Х.Рустамбаев и др. - Ташкент: KONAUDITINFORM- NASHR, 2008 (Proceedings of the International Conference on "Administrative Reform in the Republic of Uzbekistan: Experience and Problems of Legal Regulation" September 29-30, 2007. / Ed. M.Kh.Rustambayev et al. - Tashkent: KONAUDITINFORM-NASHR, 2008).

20. Изоҳ: И.А.Хамедов ва И.М.Цайнинг ҳам мазкур кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан қуйидаги фикрларни келтириб ўтишган. Маъмурий процедуралар ва маъмурий судлов масалаларини битта кодексда бирлаштириш жуда оқилона ва тўғри фикр бўлиб, бу ишда Латвия Маъмурий-процессуал қонуни тажрибасидан фойдаланишни тақлиф этишган. Бундан ташқари, И. А. Хамедов ва И. М. Цайнинг фикрига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликларни ушбу кодексга қўшмасдан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишни жиноят судлари судловида қолдиришни тақлиф этишган. См.: Хамедов И. А., Цай И. М., Ежегодник публичного права 2014. Указ.соч. - С. 395-397. (I. Khamedov, I. Tsai, M., Yearbook of Public Law 2014. - P. 395-397).

21. Пуделька Й., Демпе Й. Общее административное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния. // Ежегодник публичного права - 2014: "Административное право: сравнительно-правовые подходы". - М.: Инфотропик Медиа, 2014. - С. 33. (J. Pudelka, Y. Deppe. General Administrative Law in Central Asian States - a brief overview of the current state. // Yearbook of Public Law - 2014: "Administrative Law: Comparative Legal Approaches". - М.: Infotropik Media, 2014. - P. 33).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 503-модда; 2008 й., 14-15-сон, 94-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда, 52-сон, 553-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, №. 6, Article 175; 2003, №. 9-10, Article 149; 2004, №. 1-2, Article 18; Gazette of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 6, Art. 248; Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2007, №. 39, Art. 401, Art. 50-51, Article 503; 2008, №. 14-15, Article 94, Article 52, Article 509, Article 514; 2009, №. 15, Article 179, Article 52, Article 553; 2010, Article 35-36, Article 300; 2012, №. 37, Article 421; 2014, №. 36, Article 452; 2015, №. 32, Article 425; 2017, Article 13, Article 194)

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда; 2015 й., 28-сон, 378-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/2495-2/1471-сон, 25.08.2018 й., 10/18/2495-3/1789-сон. (Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2013, №. 31, Art. 414; 2015, №. 28, Article 378; The national database of legislation, dated July 6, 2006, 10/18 / 2495-2 / 1471, dated 25.08.2018, 10/18 / 2495-3 / 1789)

-
-
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2018 й., 09/18/3786/1368-сон. (National database of legislation data, 20.06.2018, No. 09/18/3786/1368)
 9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018 й., 09/18/497/1437-сон. (National database of legislation data, 03.07.2018, No. 09/18/497/1437)
 10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2018 й., 07/18/4075/2370-сон. (National database of legislation information, 25.12.2018, 07/18/4075/2370)
 11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг маълумотлари. (Information of the Main Department Offence Prevention of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan)
 12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2019 й., 09/19/251/2838-сон. (National database of legislation data, 27.03.2019, No. 09/19/251/2838)
 13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон. (National database of legislation data, 23.01.2018, No. 06/18/5308/0610)
 14. Федеральный закон от 2 апреля 2014 г. N 44-ФЗ "Об участии граждан в охране общественного порядка". <https://мвд.рф>. (Federal law of April 2, 2014 N 44-FZ "On the participation of citizens in the protection of public order" .<https://мвд.рф>)
 15. Закон от 26 июня 2003 г. № 214-З. Об участии граждан в охране правопорядка. <https://belzakon.net>. (Law of June 26, 2003 No. 214-З. On the participation of citizens in law enforcement. <https://belzakon.net>)
 16. Об участии граждан в обеспечении общественного порядка. Закон Республики Казахстан от 9 июля 2004 года № 590. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z040000590>. (On the participation of citizens in ensuring public order. Law of the Republic of Kazakhstan dated July 9, 2004 No. 590. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z040000590>)
 17. Об участии граждан в обеспечении общественного порядка. 3 декабря 2009 года №566. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30139. (On the participation of citizens in ensuring public order. December 3, 2009 №566. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30139)
 18. Об участии граждан в охране общественного порядка и государственной границы. Закон Украины от 22 июня 2000 года № 1835-III. <http://omega-kherson.com.ua/index.php/zakonodatelstvo?id=94>. (On the participation of citizens in the protection of public order and the state border. The Law of Ukraine of June 22, 2000 No. 1835-III. <http://omega-kherson.com.ua/index.php/zakonodatelstvo?id=94>)
 19. Президент Ильхам Алиев подписал указ об участии граждан в охране общественного порядка. 2 марта 2016 17:53 (UTC+04:00). <https://www.trend.az/azerbaijan/politics-/2502005.html>. (President Ilham Aliyev signed a decree on the participation of citizens in the protection of public order. March 2, 2016 17:53 (UTC + 04: 00). <https://www.trend.az/azerbaijan/politics-/2502005.html>)

**12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО.
ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ
ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ**

Эгамбердиев Дилшод,

ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва
иқтисодий процессуал ҳуқуқи
кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-9>

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БИЛАН БОЁЛИҚ ИШЛАРДА
ТААЛЛУҚЛИЛИК МАСАЛАЛРИ**

Аннотация: Мазкур мақолада интеллектуал мулкка оид низоларнинг тааллуқлилик ва судловлилик масалалари тўғрисида сўз юритилади. Хусусан, интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб ҳал қилувчи суд ва маъмурий органларнинг ҳуқуқий ҳолати таҳлил қилинган. Илғор хорижий тажриба АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Россия Федерацияси мисолида таққосланган.

Калит сўзлар: тааллуқлилик, судловлилик, фуқаролик процесси, фуқаролик судлари, интеллектуал мулк, иқтисодий процесс.

Эгамбердиев Дилшод,

Преподаватель кафедры Гражданского
процессуального и экономического
процессуального права ТГЮУ

**ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОДВЕДОМСТВЕННОСТИ ДЕЛ
ПО ЗАЩИТЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ**

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы определения подведомственности и подсудности дел по защите интеллектуальной собственности. В частности, проанализировано правовое положение судов и административных органов, рассматривающих и разрешающих дела относящихся к сфере интеллектуальной собственности. Передовой зарубежный опыт проанализирован на примере США, Федеративной Республики Германия, Российской Федерации.

Ключевые слова: подведомственность, подсудность, гражданский процесс, гражданский суд, интеллектуальное право, экономический процесс.

Egamberdiev Dilshod,

Teacher of the Civil Procedural and
Economic Procedural Law Department TSUL

**ISSUES FOR DETERMINING THE SUB-DEPENDENCE OF
CASES FOR THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY**

Annotation: This article examines the issues of determining the jurisdiction and jurisdiction of cases for the protection of intellectual property. In particular, the legal status of courts and administrative bodies that deal with and resolve cases relating to the sphere of intellectual property is analyzed. The best foreign experience is analyzed on the example of the USA, the Federative Republic of Germany, the Russian Federation.

Key words: subject matter jurisdiction, court jurisdiction, civil procedure, economic procedure, intellectual property rights.

Давлатнинг инвестицион жозибадорлиги кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларнинг ушбу давлат ҳудудида ҳимоя қилинганлик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Инвесторлар нафақат пул кўринишидаги сармоялар балки замонавий технологиялар, ноу-хау ва бошқа интеллектуал мулк объектларини киритар экан уларнинг ишончли ҳимоя қилинганлиги, "ўйин қоидалари"ни аниқ белгиланганига эътибор қаратади. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизmlарини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4848-сон Фармонида ҳам мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида бир қанча вазифалар белгилаб берилганни кўриш мумкин[1]. Бу ўз навбатида интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни ҳам ўз вақтида, адолатли ва асосли ҳал қилинишини тақозо этади. Шунинг билан биргаликда, низонинг тури, ишда иштирок этувчи шахсларнинг доирасига қараб мазкур тоифадаги ишлар қуйидаги органлар томонидан кўриб ҳал этилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлар.
2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ишлари бўйича судлар.
3. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ишлари бўйича судлар.
4. Ўзбекистон Республикаси харбий судлари.
5. Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларининг суд ва бошқа органлар томонидан ҳимоя қилинишида ўзига хосликлар мавжуд. Мазкур тоифадаги ишларнинг тааллуқчилиги масаласини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, бузилган деб таҳмин қилинаётган ҳуқуқларни тиклаш учун ишда иштирок этаётган субъект тури, ҳуқуқий муносабатнинг мазмунидан келиб чиқиб бир қанча органларга мурожаат қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси[2] 26-моддаси биринчи қисмига кўра "фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно" низоли масала фуқаролик ишлари бўйича судларга тегишли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси [3] 25-моддасига биринчи қисм биринчи хатбошига кўра "иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда

белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар" бўйича низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг [4] 27-моддаси иккинчи қисмига кўра "...давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги" ишлар интеллектуал мулкка оид низолар Маъмурий судларга тааллуқли ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектларига оид низо давлат сирига боғлиқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ ҳарбий суд судловлигига тааллуқли ҳисобланади[5]. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 149 моддасига кўра "тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш" билан боғлиқ ишлар жиноят ишлари бўйича судга тааллуқлидир. Ҳозирги кунда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида"ги кодексда давлат сирлари билан боғлиқ ишлар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқирилиши белгиланган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид низолар нафақат суд тартибда, балки маъмурий тартибда ҳам ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши томонидан:

- а) Агентликнинг талабнома берилган:
 - саноат мулки объектлари;
 - селекция ютуқлари;
 - интеграл микросхемалар топологиялари;
 - товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларига нисбатан қабул қилинган қарорлари юзасидан апелляцияларни кўриб чиқади;
- б) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг:
 - саноат мулки объектларига;
 - селекция ютуқларига патент берилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;
- в) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг интеграл микросхемалар топологияларининг рўйхатдан ўтказилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;
- г) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг:
 - саноат мулки объектларига ва селекция ютуқларига берилган патентларнинг ҳақиқийлиги;
 - товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилишининг амал қилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

д) қуйидагиларнинг:

интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг;

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига берилган, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилиши тўхтатилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

е) товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилиши бекор қилиниши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

Апелляция кенгаши Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади[6].

Интеллектуал мулкка оид низоларнинг бир неча суд тармоқларига тааллуқлилиги бундай ишларнинг ўз вақтида, адолатли ва сифатли кўриб чиқилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Илғор хорижий тажриба ва суд амалиёти шуни кўрсатадики интеллектуал мулкка оид низоларни ҳал қилишни суднинг бир тармоғига берилиши ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширади. Хусусан, Россия Федерациясида 2011 йилдан интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишлар Арбитраж суд таркибидаги Интеллектуал ҳуқуқ бўйича махсус судларда кўриш бошланди[7][8], 1982 йилда АҚШ Конгресси Божхона ва патент бўйича судини (United States Court of Customs and Patent Appeals) ўз таркибига олган Федерал округ Апелляцион судини (United States Court of Appeals for the Federal Circuit)[9] ташкил қилди. Бу суднинг ўзига хослиги унинг фақат интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишларни кўриб чиқишидир. Германия Федерацияси 1961 йилда патент ва товар белгисига доир ишларни кўриб чиқувчи Федерал патент судини (Bundespatentgericht)[10], 2005 йилда Япония Интеллектуал Олий судин (Chiteki-zaisan k?t?-saiban-sho)[11] ташкил этди ва улар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Фикримизча, интеллектуал мулкка оид суд ишларини кўришда ягона ёндашувни шакллантириш, бу турдаги ишларни ҳал қилишда сансалорликни олдини олиш ва ижобий хорижий тажрибасин инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ишлар бўйича судлар ўрта бўғини таркибида интеллектуал мулк ҳуқуқига оид низоларни кўриб чиқувчи судьялар корпусини ташкил қилиш, шунингдек иқтисодий судлар судловлигига интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишларни тўлиқ бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Интеллектуал мулкка оид ишларнинг судловлилик масаласида ҳам ўзига хослик мавжуд. Судловлилик масаласида ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб бир неча ҳудуддаги судларга тегишли бўлиши мумкин. Мисол учун, судловга тааллуқликнинг умумий қоида сига кўра (ФПК 33-моддаси) интеллектуал мулк ҳуқуқига оид фуқаролик суд ишлари жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги шунингдек, ташкилотларга нисбатан уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судлар судловлигига тааллуқли ҳисобланади. Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқига оид даъволар жавобгарнинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнгги яшаш жойидаги фуқаролик ишлар бўйича судга, агар жавобгар Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаса, жавобгарнинг Ўзбекистон Республикасидаги мол-мулки турган жойга ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Судловлилик масаласи процессуал қонунчилигимизда кенг қамровли бўлсада,

баъзан амалиётда муаммоли вазиятлар учраб туради. Мисол тариқасида интернет тармоғларида бузилаётган муаллифлик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишларнинг судловлилик масаласи. ФПК 361-моддасига асосан "Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низоларнинг, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тегишли бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекс билан белгиланади" деб кўрсатилган. Агарда жавобгар Австрияда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамаган ва мулки бўлмаган бўлса иш қайси суднинг судловлигига тааллуқли ҳисобланади? Фикримизча, ФПК 34-моддаси иккинчи хатбошисига қуйидаги қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ; "агар жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамаган ва мол-мулки мавжуд бўлмаса даъволар даъвогар ўзи яшаб турган ёки рўйхатдан ўтган жойда тақдим этилиши мумкин". Бунда бузилган деб тахмин қилинаётган интеллектуал мулк ҳуқуқига оид низоларнинг судловга тааллуқлилик масаласидаги очиқ қолган ҳолатлар бартараф этилган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда интеллектуал мулкка оид низоларнинг тааллуқлилик ва судловлилик масалаларига оид қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирилиши ўз навбатида фуқароларнинг сансалорлик ва ортиқча вақт йўқотилишини олди олинишига ҳамда мулкий ва номулкий ҳуқуқларини судлар томонидан ўз вақтида, қонуний, адолатли ва асосли ҳал қилинишини амалда кафолатлайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда; 2017 й., 37-сон, 982-модда. (Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2016, No. 40, Art. 467; 2017, 37, Article 982)
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: "Адолат". 2018 й. - 423 б. (The Civil Procedural Code of the Republic of Uzbekistan. T. "Justice". Year 2018 - 423 p.)
3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон. (The Economic Procedural Code of the Republic of Uzbekistan. National database of legislation, dated 25.01.2018, 02/18 / EPC / 0623, of 27.07.2018, 03/18/488/1579, 12.10.2018, 03/18 / 496/2043; 21.03.2019, No. 03/19/531/2799)
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юришти тўғрисидаги кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон. (Code of the Republic of Uzbekistan on administrative cases // National database of legislative acts, 26.01.2018, № 02/18 / APC / 0627, 12.10.2018, № 03/18/496/2043)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2017 йил, 15-сон, 242 модда (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2017 year, No 15 Article 242)
6. "Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида" Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 13-сон, 103-модда; 2006 й., 46-47-сон, 458-модда; 2008 й., 19-сон, 160-модда; 2011 й., 36-сон, 367-модда. (Regulation "On Appeal Board of the Intellectual Property Agency of the Republic of Uzbekistan". // Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2003, No. 13, Article. 103; 2006, No. 46-47, Article 458; 2008, No 19, Article 160; 2011, No 36, Article 367.)
7. И.А. Данилова. К вопросу о подведомственности и подсудности дел по спорам об интеллектуальных правах. Право, 2012 й. 115 бет. (I.A. Danilov. On the issue of jurisdiction and jurisdiction of intellectual property disputes. 2012 right 115 beta)
8. Е.А.Маргунова. Судебная защита интеллектуальных прав. Вестник университета имени О.Е.Кутафина, 09/2015, 87-96 стр. (E.A. Margunova. Judicial protection of intellectual property rights. Bulletin of O. Kutafin University, 09/2015, 87-96 pages.)
9. cafc.uscourts.gov
10. bundespatentgericht.de
11. ip.courts.go.jp

12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ПЕРАТИВНО-РОЗЫСКОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Алимов Муҳаммаджон Исломидин ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия
Ҳарбий-техника институти докторанти



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-10>

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада ҳарбий хизматчилар иштирокида содир эилган жиноятлар юзасидан судга қадар иш юритувнинг процессуал асослари, мазкур асосларнинг амалий аҳамияти ва амалиётдаги ўзига ҳосликнинг илмий асослари ўрганган ҳолда, соҳа бўйича илмий асосланган таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, прокурор, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси, ҳарбий қисм, бўлинма ва муассаса.

Алимов Муҳаммаджон Исломидин ўғли

Докторант Военно-техническом институте
Национальной гвардии Республики Узбекистан

СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ СУДОПРОИЗВОДСТВО ПЕРЕД СУДОМ ПО ОБВИНЕНИЮ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ

Аннотация: В данной статье приводится научно обоснованные рекомендации выводы в области изучения процессуальной основы судопроизводстве, практической значимости этих оснований и научной основы практичности в досудебных преступлениях против преступлений против преступлений, совершенных военнослужащими.

Ключевые слова: доследованное следствие, дознания, предварительное следствие, прокурор, руководитель следственного органа и его должностное лицо, воинской часть, подразделение и учреждение.

Alimov Mukhammadjon Islomiddin ugli,

Doctoral student at the Military-Technical Institute
of the National Guard of the Republic of Uzbekistan

THE SOCIAL NECESSITY OF THE PROCEEDINGS BEFORE THE TRIAL ON THE SERVICEMEN'S OFFENSES

Annotation: In this article provides scientifically-based recommendations and conclusions in the field of studying the procedural basis of proceedings, the practical significance of these grounds and the scientific basis of practicality in the pre-trial offenses against the crimes committed by military personnel.

Key words: pre-investigation, inquiry, preliminary, investigation, prosecutor, head of the investigating authority and his official, military unit, division and institution.

For citation: Alimov Mukhammadjon Islomiddin ugli. THE SOCIAL NECESSITY OF THE PROCEEDINGS BEFORE THE TRIAL ON THE SERVICEMEN'S OFFENSES. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 72-79

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар"[1] дейилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари Ички хизмат Низомининг 5 бандида "Ҳарбий хизмат - Ўзбекистон Республикаси фуқораларнинг умумҳарбий мажбуриятларини ва шартнома асосида қуролли кучларда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида хизматни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир"[2] деб белгиланган.

Умумҳарбий мажбурият - фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.[3] Мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган:

- муддатли ҳарбий хизмат;
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати мавжуд.

Мазкур ҳарбий хизмат турларини ҳарбий хизмат ўташ шартларига кўра қуйидагича тавсифланади:

Муддатли ҳарбий хизмат - Ўзбекистон Республикасининг чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир. Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календар ҳисобида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ўн икки ой, олий маълумотли шахслар учун - тўққиз ой, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун - тўққиз ой қилиб белгиланган.[4]

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат - муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутати. Мазкур хизмат сафига фуқаролар йиғирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар йиғирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган

пул бадаллари миқдори махсус ҳисоб рақамга тўланади ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади[5]. Бу маблағлар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аниқ мақсадли йўналтирилган бўлади.[6]

Контракт бўйича ҳарбий хизмат - контракт бўйича ҳарбий хизмат Куролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир. Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар. Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Бунда ҳақиқий ҳарбий хизматга контракт бўйича кираётган шахслар билан дастлабки контракт беш йилга тузилади; контракт бўйича ҳарбий хизматчилар (резервдаги ҳарбий хизматга мажбурлар) билан янги контракт беш йилга ёки агар ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етишига беш йилдан кам қолган бўлса, камроқ муддатга тузилади. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шarti билан контракт тузилади. Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин.[7]

Куролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати - Резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Куролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир. Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган кўникмаларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин. Резервчилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий таъвоуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Резервдаги ҳарбий хизматга мажбурларга мўлжалланган ҳарбий йиғинларнинг муддати ҳар йили биринчи даражали резервдагилар учун ўттиз суткага қадар, иккинчи даражали резервдагилар учун ўн беш суткага қадар бўлиши мумкин. Мазкур тоифаларни қуйидаги жадвал асосида кўришимиз мумкин.

Таркиб	Чегара ёши	
	1-даража	2-даража
Оддий аскарлар ва сержантлар	35 ёшгача	45 ёшгача
Кичик офицерлар	40 ёшгача	50 ёшгача
Катта офицерлар	50 ёшгача	55 ёшгача
Генераллар	55 ёшгача	60 ёшгача

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 7 февраль куни ПФ-4947 сонли Фармонига асосан "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси"[8] имзоланган бўлиб, мазкур стратегиянинг II бобида "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари" белгиланган. Мазкур бобдан кўришиб турибдики мамлакатимизда демократик, инсонпарварлик, адолатлилик тамойилларга асосланган одил судлов ва судга қадар иш юритувни ташкил этиш, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексда жиноят содир этган шахс ва унинг жавобгарлиги масаласида қуйидагича тартибга солинган.

Ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятлар ва уларнинг криминалистик тавсифи қатор хорижий олимлар томонидан ўраганилган, булардан, Лавруков М.М., Жестеров П.В. Волчок В.Г. [9] ва бошқа олимларнинг илмий ишларини тадқиқ этиш ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган ҳарбий хизмат ўташ тартибига қарши жиноятларнинг криминологик тавсифи, содир этиш механизми ва профилактикаси ҳақидаги таклиф ва тавсияларни ўрганган ҳолда, мазкур жиноятларнинг содир этилишида аксарият ҳолларда ҳарбий хизматчилар кўп йиллар давомида моддий жавобгарлик лавозимларида хизмат қилиб келинганлиги ва ҳарбий мулкка нисбатан бепарволарча муносабатда бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳарбий жиноятларда субъектларнинг иштироки бевосита дастлабки терговда бошланиб, унда айбланувчи ва гумон қилинувчининг айблилик масаласи шунингдек, жабрланувчига етказилган мулкий ва маънавий зиённи қоплашга қаратилган далилларни қидириш, аниқлаш, тадқиқ қилиш, қайд этиш, текшириш ва баҳолаш тизимини ташкил этишнинг муайян мақсадга йўналтирилган тартибини яратиш вазифаси юклатилган[10].

Жиноят кодексининг 17-моддасида жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши, жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортилиши, жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104-106, 118, 119, 137, 164-166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши, жиноят кодексининг 122, 123, 1251, 127, 144, 146, 193-195, 205-210, 225, 226, 230-232,

234, 235, 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортилиш, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортилиши белгиланган.[11]

Мазкур моддада берилган жиноий жавобгарликка тортилиш белгилари умумий асосларга кўра ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноий қилмишларга ҳам тадбиқ этилади. Сабаби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида (17-модда, "жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги") ҳарбий хизматчи содир этилган жиноятнинг алоҳида субекти сифатида тартибга солинмаган.

Лекин, юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда [12] ҳарбий хизматчи конституциявий бурч асосида яккабошчилик ва ундан келиб чиқадиган тобе шахснинг бошлиққа сўзсиз итоат қилиши натижасида юзага келадиган муносабатлар асосида, субектларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг қатъий белгилаб қўйилган ҳарбий ташкилотларда фаолия юритган ҳолда, қўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатларда иштирок этиб, қонунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган вазифалар ва лавозим мажбуриятлари талаб этадиган бошқа турдаги вазифаларни бажарадилар. Шундан кўриниб турибдики, ҳарбий хизматчилар ўз лавозим мажбуриятларини бажариш чоғида давлат ва ҳуқуматнинг алоҳида топшириқлари ижросини таъминлаши, ҳарбий хизматчиларнинг бевосита ҳаёт тарзи мазкур соҳадаги вазифа ва топшириқлар билан узвий боғланганлиги, шунингдек, хизмат юзасидан тўқнаш келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар давлат, хизмат ва ҳарбий сирлар билан бошлиқлигини инобатга олган ҳолда жиноятда иштирокчилик масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларда жавобгарлик Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан кўрсатилган уч аломат (шахснинг жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлганлиги, ақли расо эканлиги, жисмоний шахс бўлганлиги)дан бирининг йўқлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини билдиради. Мазкур ҳолат умумий асосда фақат жисмоний шахснинг, яъни инсоннинг жиноий жавобгарликка тортилишини белгилайди. Бу Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги инкор этилишини англатади. Ўз ўзидан ҳақиқий ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятларда мазкур белгиларнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Сабаби мамлакатимизда 2002 йил 12 декабрь кундаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Қучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақирилиши белгиланган. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳақиқий ҳарбий хизмат ўташ даврида бир йилда бир маротаба, ҳар йили чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Ушбу ҳолатлар ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятларда жавобгарлигига қўйилган талабларни ўз-ўзидан мавжуд бўлишига сабаб бўлади.

Мулкий ёки бошқа зарар етказганда, ҳарбий хизматчилар фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мулкий жавобгарликка тортиладилар, бунда, юридик шахс (ҳарбий қисм) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, масалан, Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузганлик учун Жиноят кодексининг 293-моддасига биноан жавобгарлик кўрсатилган. Демак, агар бирон-бир ҳарбий қисм, масалан, жанговар навбатчиликни ўташ (жанговар хизмат) қоидаларини бузиш натижасида қўриқланаётган объектларга ва одамларга шикаст етса, бунинг учун юридик шахс сифатида ҳарбий қисм эмас, балки мазкур қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган муайян ҳарбий хизматчи жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодексига жисмоний шахс тушунчаси тўғридан-тўғри баён қилинмаган. Аммо, Жиноят кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидан келиб чиқилса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасида кўрсатилган тушунчага ўхшаш эканлиги англашилади. ЖКнинг 11, 12-моддаларида берилган ЎзР фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунчасидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчиларни ҳам "Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахс" десак тўғри бўлади, сабаби мамлакатимизда умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди [13].

Шундай қилиб, ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятларда шахснинг жиноят содир этганлиги учун шахсларнинг жавобгарликка тортилиши, улар қилмишининг ижтимоий хавfli характери ва даражасини англай олиш қобилияти, ўз ҳаракатларини бошқара олиши ва улар юзасидан ҳисоб бера олиши билан изоҳланади.

Жиноят кодексининг 17-моддасида умумий қоидага кўра, содир этилган жиноят учун жавобгарлик шахс ўн олти ёшга тўлганда вужудга келади. Мазкур модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида махсус кўрсатилган жиноят таркиблари учунгина жиноий жавобгарлик ўн уч, ўн тўрт ёки ўн саккиз ёшдан вужудга келади. Лекин, ҳарбий хизматчилар учун ушбу чегара аҳамиятга эга эмас, сабаби шахс мазкур моддада белгиланган энг катта ёш чегарасида (18 ёшда) ҳарбий хизматга қақрилади.

Шундай қилиб, ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятларда ёш тушунчаси деганда, у ёки бу ҳарбий хизматчининг алоҳида психофизиологик ҳолатини тавсифловчи, тиббий-биологик, ижтимоий психологик ва ҳуқуқий ўзгаришлар билан алоқадор бўлган, ҳарбий хизматга қақирилганидан то шахснинг умрининг охиригача ўтган вақтнинг календарь даври тушунилади.

Юқорида берилган фикрлардан шуни тушуниш мумкинки жиноят содир этган ҳарбий хизматчининг жиноий жавобгарлиги, жиноят содир этган олдий фуқарога нисбатан ноодатий аҳамият касб этади. Чунки ҳарбий хизматчи Қуролли кучлар тизимларида ҳарбий мамлакат хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш билан бир қаторда, беъвосита давлат ва ҳарбий сирлар билан ишлашда, мамлакатнинг алоҳида тоифаланган вазифаларини бажариш билан шугулланишида кўришимиз мумкин.

Мазкур ҳолатларни инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 345-моддасига асосан Жиноят кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки

тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилиши белгиланган. Лекин, ЖПКнинг 38112-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларнинг суриштирув органлари томонидан айблов далолатномаси орқали шахсни айблашда терговнинг тегишлилиги тартибга солинган. Шу нуқтага назардан ЖПКнинг 38-моддасига суриштирув органи сифатида ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятлар юзасидан ҳарбий суриштирувчиларни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ҳарбий жиноятлар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятлар тушунчасида бир мунча фарқ бор. Аксарият амалиёт ҳодимлари ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этилган жиноятлар деганда ЖКнинг 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги тушунилади. Лекин ҳарбий хизматчилар иштирокида ЖКнинг махсус қисмида кўрсатилган ҳар қандай турдаги жиноят содир этилиши мумкин. Шу нуқтага назардан, жиноят қонунчилигида алоҳида субъект сифатида "Ҳарбий хизматчи"ларни киритиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, юқорида айтилганидек, ҳарбий хизматчи алоҳида мудофаа ва хавфсизлик нуқтаи назаридан давлат вазифасини бажарувчи мансабдор шахс ҳисобланади. Шунингдек, депутат ва прокурорлар сингари жиноят қонунчилигида ҳарбий хизматчилар учун шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., "Ўзбекистон", 2015 йил. Б 17. (Constitution of the Republic of Uzbekistan, "Uzbekistan", 2015. P 17)
2. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Умумҳарбий Низомларининг Ички хизмат низомининг 5-банди., "Шарқ", 2004 йил. Б 9. (Paragraph 5 of the Internal Service Charter, General Charter of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan. "Sharq", 2004.P 9.)
3. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 йил., 12-сон, 217-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan "On General Military Obligation and Military Service", Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2002, № 12, article 217.)
4. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 йил., 12-сон, 217-модда. (Article 5 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On General Military Commitment and Military Service", Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2002, № 12, article 217.)
5. ВМ 2003 йил 22 февралдаги 99-сон Қарори билан тастиқланган "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Сафарбарлик қақуриви резерви маблағлари махсус ҳисоб рақами тўғрисида"ги Низом., Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.04.2018 й., 09/18/267/1030-сон, 21.09.2018 й., 09/18/748/2024-сон; 12.03.2019 й., 09/19/210/2757-сон (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan 22 February 2003 № 99 "On the Special Account Number of Reserve Funds of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan", National Database of Legislation, 09.04.2018, 09/18/267 / No 1030, 21.09.2018, No. 09/18/748/2024, of 12.03.2019 y., No 09/19/210/2757)
6. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 йил., 12-сон, 217-модда. (Article 6 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On General Military Commitments and Military Service", Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2002, № 12, article 217.)
7. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 йил., 12-сон, 217-модда. (Article 7 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On General Military Commitments and Military Service", Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2002, № 12, article 217)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль кундаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for Action for Further Development of the Republic of Uzbekistan" February 7, 2017, PD-4947. Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, №. 6, Article 70.)

-
9. Лавруков М.М. Квалификация воинских насильственных преступлений // Автореф.дис.канд.юрид.наук. - М., 1999. - 23 с., Жестеров П.В. Криминологическая характеристика и предупреждение дезертирства среди военнослужащих срочной службы внутренних войск // Автореф.дис.канд.юрид.наук. - М., 2006. - 14 с., Волчок В.Г. Криминологическая характеристика и профилактика хищений огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств, совершаемых военнослужащими // Автореф.дис.канд.юрид.наук. - М., 2007. - 34 с. (Lavrukov M.M. Qualification of military crimes of violence // Abstract of dissertation PhD. - M., 1999. - 23 p., Zhesterov P.V. Criminological characteristics and the prevention of desertion among the military personnel of the military service of internal troops // Abstract dissertation PhD. - M., 2006. - 14 p., V.G. Volchok Criminological characteristics and prevention of the theft of firearms, ammunition, explosives and explosive devices committed by military personnel // Abstract dissertation PhD. - M., 2007. - 34 p.)
10. Рыжаков А.П. Возмещение вреда, причиненного преступлением. - М., 1999. - P. 25. (Ryzhakov A.P. Compensation for harm caused by the crime. - M., 1999. - p. 25.)
11. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2012-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган, "Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси"нинг 17-моддаси.(охирги ўзгартиш ЎзР 15.01.2019 й. ЎРҚ-516-сон Қонуни билан) (The Republic of Uzbekistan 22.09.1994 y. Article 17 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, approved by the Law of the Republic of Uzbekistan No 2012-XII (the last amended by the Law of the RUZ №. RUL-516 15.01.2019)
12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси., "Ўзбекистон", 2015 йил., Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Умумҳарбий Низомларининг Ички хизмат низомининг 5-банди., "Шарқ", 2004 йил., "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 йил., 12-сон, 217-модда., "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қонун., Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон. (Article 52 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, "Uzbekistan", 2015, 5th edition of the Internal Service Charter of the General Regulations of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan. "Sharq", 2004, Law of the Republic of Uzbekistan "On General Military Commitment and Military Service", Law of the Republic of Uzbekistan "On Military Service in the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan", 2002, №.12, Article 217. Law of the Republic of Uzbekistan On the National Data Bank of the Republic of Uzbekistan, 19.04.2018, № 03/18/476/1087)
13. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 йил., 12-сон, 217-модда. (Article 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On General Military Commitments and Military Service", Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2002, № 12, article 217.)

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-11>

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УСУЛЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Аннотация: мазкур мақолада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти усулларининг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари ва хориж тажрибаси каби масалалари баён этилган. Шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига доир таклиф, тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: легаллаштириш, жиноят содир этиш усуллари, ўтказиш, мулкка айлантириш, алмаштириш йўли билан қонуний тус бериш, яшириш, сир сақлаш.

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,

Преподаватель кафедры Уголовное право
и криминологии Ташкентского государственного
юридического университета

СПОСОБЫ ЛЕГАЛИЗАЦИЯ ДОХОДОВ, ПОЛУЧЕННЫХ ОТ ПРЕСТУПНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ: АНАЛИЗ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

Аннотация: в данной статье проанализированы способы легализация доходов, полученных от преступной деятельности и зарубежный опыт. А также разработаны предложения, рекомендации по легализация доходов, полученных от преступной деятельности.

Ключевые слова: легализация доходов, способы совершения преступления, придание правомерного вида, путем ее перевода, превращения или обмена.

Feruz Khurramovich Khudaykulov,

Teacher of Department of Criminal Law
and Criminology of the
Tashkent State University of Law

THE WAYS LEGALIZATION OF REVENUE FROM CRIMINAL ACTIVITIES: ANALYSIS AND PROPOSALS

Annotation: in this article, the author analyzes the ways legalization of revenue from criminal activities and foreign experience. Also developed proposals, recommendations on the legalization of revenue from criminal activities.

Key words: legalization of revenue, the ways to commit a crime, transfer, conversion, exchange of property.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга қаратилган стратегик вазифалардан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, хўжалик субъектларига нисбатан назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, давлат тузилмалари ва амалдорлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ва зимдан қаршилиқ кўрсатиш ҳолатлари мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш механизмлари шакллантирилди.

Ҳозирги кундаги уюшган жиноятлар томонидан одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик, товламачилик каби анъанавий усуллар билан бир қаторда, катта даромад олишга қаратилган терроризм, табиий бойликларни сотишдан келадиган даромадларни ўзлаштириш, давлат мулкларини ноқонуний хусусийлаштириш, савдо, солиқ ёки валюта соҳасидаги жиноятларни содир этмоқда. Нагжида, уларда жиноий йўл билан олинган даромадларни турли усулларда легаллаштиришга зарурат сезмоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш, солиқ соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, барҳам бериш, нақд пул ва хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига, жиноий даромадларнинг асосий манбаси бўлган "хуфёна" бизнеснинг шаклланишига, қарши курашиш бўйича ҳар томонлама чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг қатори кенгайтирилди. (қимматбаҳо қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари [1]; биржа аъзолари [2]; сугурталовчилар ва сургурта воситачилари; пул кўчириш, тўлаш ва ҳисоб-китоб фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар; қимматбаҳо тошлар ва қимматбаҳо металллар билан операцияларни амалга оширувчи шахслар [3]; кўчмас мулкни олди-сотди операцияларда иштирок этувчи ва хизмат кўрсатувчи шахслар; нотариал идоралар (нотариуслар), адвокат идоралар (адвокатлар) ва аудиторлик ташкилотлар [4] (аудиторлар) мижозлар номидан келишувлар амалга оширилганда).

Шулардан келиб чиқиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жамият ҳаётининг турли соҳаларида уюшган жиноятчилик туғилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши туфайли миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солиши билан бошқа жиноятлардан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашишга оид конвенциясига қўшилган. Хусусан, Конвенциянинг 23-моддасида "Ҳар бир аъзо давлат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ўзининг миллий қонунчилигида жиноят деб эътироф этиши, ушбу соҳада бир-бирига амалий ёрдам кўрсатиши шарт" [5] деб қатъий белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жиноят фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноят қонуни бўлган Ўз.Р ЖК да жиноят деб эътироф этилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти ушбу кодекснинг 243-моддасида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, ушбу модда моҳиятини кенгроқ очиб бериш мақсадида Ўз.Р Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралда қарори [6] ҳам қабул қилинган.

Мазкур жиноятнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолияти ва жамоат хавфсизлиги ҳисобланади. Жиноят объекти кўриниш жиҳатидан икки шаклlidir. Унда нафақат иқтисодий фаолият, балки жамоат хавфсизлиги ҳам жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар турқумига киради.

Жиноят объектив томони жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиний фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлашда ифодаланади.

Жиноят объектив томонини таҳлил қиладиган бўлсак, у бир нечта қилмишлардан иборатлиги яққол кўзга ташланади. **Жумладан:**

- жиний фаолиятдан олинган даромадлар деганда жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тушунилади;

- жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш деганда мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиний фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиний жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмиш тушунилади. [7]

Жиноят кодекси 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда айбдор томонидан жиний фаолият натижасида орттирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилиши лозим. Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Фуқаролик кодекси 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк бўлиши мумкин. [8]

Мазкур жиноят таркибининг зарурий белгиси жиноят содир этиш усули ҳисобланса, унинг зарурий элементи эса бу жиний фаолият натижасидан орттирилган мулк мавjud бўлишидир.

Жумладан, жиний фаолият натижасида топилган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк)ни қуйидаги усуллар билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш орқали даромадлар легаллаштирилади:

-
- ўтказиш йўли (жиноят содир этиш усули) билан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилади;
 - мулкка айлантириш йўли (жиноят содир этиш усули) билан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилади;
 - алмаштириш йўли (жиноят содир этиш усули) билан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилади.

Шунингдек, бундай пул маблағлари ва мол-мулкнинг асл хусусиятини яшириш ёки сир сақлаш, манбаини яшириш ёки сир сақлаш, турган жойини яшириш ёки сир сақлаш, тасарруф этиш ёки кўчириш усулини яшириш ёки сир сақлаш, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини яшириш ёки сир сақлаш, пул маблағлари ёки қарорнинг 3-бандида эътироф қарашлилигини яшириш ёки сир сақлашдан иборат бўлади.

Жиноятнинг содир этиш усуллари (молиявий операциялар, битимлар орқали содир этиладиган легализация) Ўз.Р ЖКнинг 243-моддаси диспозициясида қонун чиқарувчи томонидан тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Булар асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида эътироф этилган. Аммо, бу масалалар хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида қонун чиқарувчиси томонидан назарда тутилган. Хусусан, МДХ давлатлари [9] Жиноят кодексларида жиноят содир этиш усуллари тўғридан-тўғри назарда тутилиб, факультатив белги зарурий белги сифати ўз аксини топган.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Молиявий операциялар орқали содир этиладиган легализация ва битимлар орқали содир этиладиган легализация.

Хусусан, молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонунсиз топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш ва ҳ.к.

Битимлар орқали содир этиладиган легализация деганда, фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳаля, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномалар тузилиши тушунилади. [10]

Юқориди санаб ўтилган барча даромадларни легаллаштириш усул(жиноят содир этиш усул)лари легализациянинг ушбу гуруҳларидаги кўринишида содир этилади. Масалан, жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкка қонуний тус бериш мақсадида улар турли хил молиявий операциялар, яъни пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонунсиз топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш шаклида ўтказиш усулидан фойдаланади.

Мулкка айлантириш ва алмаштириш жиноят содир этиш усуллари битимлар орқали содир этиладиган легализация қилинади. Масалан, олди-сотди, қарз, ҳаля, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномалар орқали фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузилади.

Яшириш усули ёки сир сақлашда жинойий йўл билан топилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти, манбаи, турган жойи, тасарруф этиш ёки кўчириш усулларини яшириб ёки сир сақланиб уларга қонуний тус берилади. Шунингдек, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқлари ҳамда унинг кимга қарашлилиги ҳам яшириб ёки сир сақланган ҳолда легаллаштирилади.

Ўз.Р ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади. Жиноят содир этиш мақсад ва мотиви аҳамиятга эга. Чунки субъект жинойий фаолият натижасида топилган пул маблағлари ва мол-мулкни ўтказиш, мулкка айланттириш, алмаштириш, яшириш ёки сир сақлаш мақсадларини кўзлаб уларга қонуний тус беради, яъни даромадларни қонунга хилоф тарзда легаллаштиради. Афсуски, бизнинг жиноят қонунчилигида мақсад аниқ қилиб кўрсатилмаган. Бироқ, бу масала МДХ давлатларининг [11] жиноят кодексларида ҳал қилинган.

Мазкур жиноят субъекти Ўз.Р ЖКнинг 17-моддасига кўра ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисоланади. Афсуски, бизнинг жиноят кодексимизда ушбу жиноят мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан, бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ ёки жинойий уюшма томонидан содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилмаган, яъни ушбу масалалари ҳал қилинмаган. Хусусан, бу масала ҳам МДХ давлатларининг жиноят қонунчиликларида ҳал қилинган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексига легализация учун 2 та модда бўйича жавобгарлик белгиланган. Жумладан, РФ ЖКнинг 174-моддаси "бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш" деб номланса, 1741-моддаси "жиноят содир этган шахс томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш" деб номланади. Яъни, Россия Жиноят кодексига ўзи томонидан содир этилган жиноят натижасида топилган мулкни легаллаштириш билан, бошқа шахс жиноят содир этиши натижасида топилган мулкни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари РФ Жиноят кодексига жинойий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун деференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган. Жумладан, кўп миқдорда содир этилиши 2-қисм билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш 3-қисм билан, жуда кўп миқдорда ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши эса жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖКнинг 1741-моддаси 4-қисм билан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан ташқари барча қисмларида муқобил жазо турлари белгиланган. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддаси, Молдова Жиноят кодексининг 243-моддаси, Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси, Украина Жиноят кодексининг 209-моддалари бўйича ҳам жинойий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун деференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган ҳамда муқобил жазо турлари назарда тутилган. [12]

Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини квалификация қилишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- шахснинг қилмишида ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ҳар бир ҳолда легаллаштирилган мулк жиноят натижасида келиб чиққанлиги факти аниқланиши шарт.

- даромадларни легаллаштиришни жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятдан фарқлашлари лозим. Жумладан, жиноят (масалан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш) натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундан мулкка қонуний эгалик кўриниши берилмаётган бўлса (масалан, техник паспорт ёки ўгирланган автомобилни сотиш учун бериладиган ишончнома қалбакилаштирилган), даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси) таркибини ташкил этмайди.

- ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдига қўйилган мақсаддан) келиб чиққан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлганда эса, ҳужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалификация қилиниши мумкин.

- жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда иштирок этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини ҳал этишда, ҳар бир ҳолатда бу шахс мазкур мол-мулк жиноий фаолият натижасида орттирилганлигини аниқ билган-билмаганлиги аниқланиши шарт. Масалан, агар шахс жиноий фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб олди-сотди шартномаси тузган бўлса ва олувчи сотувчида мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини англаган ҳолда бу мулкни сотиб олса, олувчининг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида ЖКнинг 28, 243-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳукм кейинчалик мулкни олди-сотди шартномаси фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳақиқий эмас деб топиллиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

- нотариус томонидан мансаб ваколатларидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилган битимни ўзи билан туриб тасдиқлаш учун фойдаланилиши даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида (ЖКнинг 28, 243-моддалари) билан, бунга асослар бўлганда эса, Жиноят кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа моддалари билан ҳам билан квалификация қилинади, - даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПКнинг 211-моддаси 5-бандига кўра, ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодекси 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга жиноят натижасида етказилган моддий зарар қоплангандан сўнг конфискация қилиниши керак.

- агар шахсни ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблагша доир ишни кўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан орттирилмаганлиги аниқланса, улар ЖПКнинг 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим. [13]

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси диспозициясида назарда тутилган жиноят содир этиш усулларининг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- жиноий фаолият натижасида топилган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк)ка қонуний тус беришда ўтказиш, мулкка айлантириш, алмаштириш йўли жиноят содир этиш усуллари, яъни жиноят объектив томони факультатив белгиси

бўлсада, айнан Ўз.Р ЖКнинг 243-моддасида улар жиноят (таркиби) объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланди. Чунки қонун чиқарувчи ушбу модда диспозициясида уларни тўғридан-тўғри назарда тутган;

- улар жиноят таркининг жавобгарликни (квалификацияловчи) белгиси сифатида ифодаланади. Афсуски, бизнинг жиноят кодексимизда бу белги назарда тутилмаган. Бу билан боғлиқ жиноий қилмиш жиноятлар жами бўлиб квалификация қилинади. Жумладан, жиноий фаолият натижасида топилган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк)ка қонуний тус беришда фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса. Мисол қилиб, гиёҳвандлик воситаларидан тушган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкка қонуний тус бериш учун ўзга шахсни алдаб ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳада, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномалар тузилишига эришишни келтиришимиз мумкин.

- жиноий фаолият натижасида топилган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк)ка қонуний тус беришда содир этиладиган усуллар жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифати ифодаланади. Афсуски, бу ҳолатлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасидаги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхатиغا киритилмаган.

Бундан ташқари жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш билан боғлиқ халқаро тажрибани ўрганиш, мазкур жиноятлар бўйича хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш ушбу жиноят билан боғлиқ миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, юқорида назарда тутилган масалаларни ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси қуйидаги тахрирда баён қилиниш таклифини илгари сураимиз: Жумладан, 243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни молиявий операциялар ва бошқа битимлар орқали ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида шундай ҳаракатларни амалга ошириш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) фирибгарлик йўли билан;

в) мавсаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли содир этилган бўлса, -

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишда фаол ёрдам берган, шунингдек, ўз ихтиёри билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 йил, 45-сон, 491-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. 2009, No. 45, Article 491.)
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 йил, 46-сон, 501-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. 2009, No. 46, Article 501.)
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 йил, 45-сон, 492-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. 2009, No. 45, Article 492.)
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 йил, 45-сон, 493-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. Article 493.)
5. https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026_E.pdf
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори. // <http://www.lex.uz/docs/1766419> (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated February 11, 2011 № 1 "On some issues of judicial practice on legalization of proceeds derived from criminal activity".)
7. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасининг биринчи ва иккинчи хатбошиси. // <http://www.lex.uz/docs/283717#2954950> (Paragraphs 1 and 2 of Article 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Combating the Legalization of Criminal Income and Terrorism Financing" of August 26, 2004.)
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 3-банди. // <http://www.lex.uz/docs/1766419> (Item 3 of the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan from February 11, 2011 of No. 1 "About some questions of judicial practice on the legalization of proceeds from criminal activities".)
9. Уголовный кодекс Российской Федерации Статья 174-174.1, 2018; Уголовный кодекс Республика Таджикистан Статья 262, 2018 год.; Уголовный кодекс Республика Казахстан. Статья 218, 2018 год.; Уголовный кодекс Республика Киргизистан. Статья 215, 2018 год // http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyy_kodeks_stran_sng.html
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 3-банди. // <http://www.lex.uz/docs/1766419> (Item 3 of the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan from February 11, 2011 of No. 1 "About some questions of judicial practice on the legalization of proceeds from criminal activities".)
11. Уголовный кодекс Российской Федерации Статья 174-174.1, 2018; Уголовный кодекс Республика Таджикистан Статья 262, 2018 год.; Уголовный кодекс Республика Казахстан. Статья 218, 2018 год.; Уголовный кодекс Республика Киргизистан. Статья 215, 2018 год // http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyy_kodeks_stran_sng.html (Criminal Code Russia Federation Federation Statute 174-174.1, 2018; Criminal code Republic of Tajikistan Article 262, 2018 year.; Criminal Code Republic of Kazakhstan. Article 218, 2018 year.; Criminal code Republic of Kirgizistan. Article 215, 2018 year)
12. Х.Каримов "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш" республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 12.12.2018 й.-Т., 2018. - Б. 26. (Kh.Karimov Collection of materials of the republican scientific-practical conference "Anti-terrorist financing of legalization of proceeds from crime", 12.12.2018 y.-T., 2018. - B. 26.)
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 4-7-бандлари. // <http://www.lex.uz/docs/1766419> (Paragraphs 4-7 of the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan of 11 February 2011 № 1 "On some issues of

**12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА,
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

Мавланов Камолiddин Тўйчиевич,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва
криминалистика кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-4-12>

**ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация: Мақолада жиноят ишини судгача юриетида мавжуд процессуал муддатларни қисқартириш ва дифференциация қилиш муаммолари муҳокама қилинган. Шунингдек, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: муддат, терговга қадар текширув, дастлабки тергов, концепция, далил.

Мавланов Камолiddин Тўйчиевич,

Преподаватель кафедры Уголовно-
Процессуального права и криминалистики
Ташкентского государственного
юридического университета

**IMPROVING OF THE ORDER OF CALCULATION OF PROCESS
TERMS**

Аннотация: В статье обсуждаются проблемы дифференциации и сокращения процессуальных сроков досудебного производства по уголовным делам. Разработаны предложения по совершенствованию норм действующего уголовно-процессуального законодательства.

Ключевые слова: срок, доследственная проверка, предварительное следствие, концепция, доказательство.

Mavlanov Kamoliddin Tuychievich,

Teacher at Department of Criminal
Procedure Law and Criminalistics
of the Tashkent State University of Law

**THE WAYS LEGALIZATION OF REVENUE FROM CRIMINAL
ACTIVITIES: ANALYSIS AND PROPOSALS**

Annotation: The article discusses the problems of differentiation and reduction of procedural terms of pre-trial criminal proceedings. Developed proposals to improve the norms of the current criminal procedure legislation.

Key words: term, pre-investigation check, preliminary investigation, concept, proof

For citation: Mavlanov Kamoliddin Tuychievich. IMPROVING OF THE ORDER OF
ALCULATION OF PROCESS TERMS. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 88-94

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида процессуал муддатларни ҳисоблаб чиқиш тартибини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Процессуал муддат вақт оралиғи бўлиб, унинг мобайнида процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши ёки уларни амалга оширишдан тийиб туриш талаб этилиши ҳамда улар ЖПКда белгиланганлиги боис, мажбур этувчи хусусиятга эга ҳисобланади. Бундан кўринадики, муддат ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликни тартибга солиши ҳамда императив хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Муддатлар жиноят-процессуал қонунчилигимизда қатъий белгиланган бўлиб, процессуал ҳаракатларни бажариш ёки тегишли қарор қабул қилиш учун ўзбошимчалик билан узайтиришга йўл қўйилмайди [1]. Жиноят процессида муддатларга процессуал-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида қараш мумкин. Бундан ташқари, улар иш юритишнинг адолатли бўлишини ҳам таъминлайди [2]. Рус олимлари Р.П.Сокол ва Т.Л.Карепановалар шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш кафолатларини асос қилиб олиб: "Процессуал муддатлар - бу қонунийлик ҳамда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари (эркинлик ва шахсий дахлсизлик, суд ҳимояси, етказилган зиёни қоплаш ҳуқуқи) ҳимоясини таъминлаш механизмида муҳим аҳамиятга эга ҳуқуқий воситадир"[3], деб ёзади. Ўзбек олимларидан М.Х.Кадырова процессуал муддат, аввало, ҳуқуқ институтларидан бири эканлигини таъкидлаб, у ҳуқуқий меъёрлар (қонун, қонуности ҳужжатлар)да акс этади ва мажбур этиш хусусиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтган [4]. Процессуал ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг муайян вақт оралиғида ёки муайян муддатда амалга оширилишини аниқлаш ва жиноят-процессуал муддатга таъриф беришдан аввал унинг маъноси ва мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш лозим.

Жиноят-процессуал қонунчиликда ишни судга қадар ва суд босқичида юритиш жараёнида процессуал муддатларни ҳисоблаб чиқиш ва уни қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммоли ҳолатлар сақланиб қолган. Шулардан бири жиноят ишини кўзгатиш босқичида процессуал муддатларни қисқартириш масаласидир. Кўпчилик МДХ давлатлари, шу қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам жиноят ҳақида хабар келиб тушгач уни текшириш учун терговга қадар текширув ўтказиш тартиби мавжуд.

Унинг муддати ЖПКнинг 329-моддасига асосан, 10 суткани ташкил қилади. Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослангандир қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолатларга қуйидагилар кирди:

- ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;
- олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;
- янги ҳолатлар таштундир аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса;

- етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса.

Таъкидлаш лозимки, қонуннинг ушбу нормаси ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад қилиш масаласини ҳал қилиш мақсадида эмас, балки суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахснинг ўз ҳаракатсизлигини асослаш мақсадида қўлланилади. Бир ойлик текширув натижаларига кўра, ЖПКнинг 333-моддасида кўрсатилган қарорлардан бири қабул қилинади. Қабул қилинган қарор ва материаллар назорат қилувчи прокурор томонидан ўрганиб чиқилганидан кейин жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш учун терговга қадар текширувни ўтказган органга қайтарилади. Бу каби ҳолатлар ҳар хил сабабларга кўра бир неча марта такрорланиши, яқуний ва асосланган тарзда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят иши қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун баъзан ойлار, ҳаттоки йиллар ўтади.

Жиноят ҳақидаги хабарни текширишнинг мазкур тартиби фуқароларнинг одил судловга бўлган конституциявий ҳуқуқларига путур етказиши мумкин.

Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва жиноят ҳақида келиб тушган хабарларни текшириш бўйича қабул қилинган қарорлардан нечтаси назорат қилувчи прокурорлар томонидан бекор қилинганидан кейинги ўтказилган текширишлар натижасида жиноят иши қўзғатилганлиги, нечтаси бўйича бир неча марта текширишлар ўтказилганлигига қарамадан жиноят иши қўзғатиш учун асослар аниқланмаганлигини таҳлил қилиш ҳамда хабар бўйича қарор қабул қилишнинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 337-моддасида жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга ҳамда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга ҳақлидир.

Лекин ушбу моддада прокурорнинг "жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва қўшимча текширув ҳаракатларини ташкиллаштириш учун тўпланган ҳужжатларни терговга қадар текширувни амалга оширган органга қайтариш" ваколати назарда тутилмаган бўлсада, ҳуқуқни қўллаш амалиёти прокурорлар томонидан асосан шу мазмундаги қарорлар қабул қилинаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу жумладан, материаллар қўшимча текширув ҳаракатлари ўтказиш учун қайтарилган тақдирда ЖПК 329-моддаси тартибида терговга қадар текширув муддатини бир ойга қадар узайтириш мумкинлиги масаласи ҳам қонунчиликда очиқ қолган.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги яна бир муаммоли ҳолат бу терговга қадар текширувни амалга оширган орган ва суриштирув-тергов органлари томонидан битта жиноят ҳодисаси бўйича бир хил мазмундаги тергов ҳаракатларини такроран ўтказишдир.

ЖПК 329-моддасига кўра, терговга қадар текширув даврида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш,

шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш мумкин.

Хуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, кўплаб жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув даврида ўтказилган тергов ҳаракатлари жиноят иши кўзгатилаганидан кейин суриштирувчи ёки терговчилар томонидан "ҳар хил ҳолатларнинг олдини олиш учун" такроран ўтказилади ("подстраховаться"). Ваҳоланки, бу жараёнида терговга қадар текширувда тўпланган далиллардан бошқа қўшимча далиллар тўпланмайди.

Бу баъзи ҳолатлардан жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни тўла очишга ёрдам берса, аксарият ҳолатларда жиноят ишлари юритувида муддатларнинг чўзилишига, ортиқча овозагарчилик ва харажатлар қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Шунга кўра, хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганган ҳолда нечта ҳолатда жиноят иши кўзгатилаганидан кейин терговга қадар текширув даврида ўтказилган тергов ҳаракатлари такроран ўтказилиб, қўшимча далиллар аниқланганлигини таҳлил қилиш ва ЖПКнинг 81-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

"Жиноят ҳақида хабарни терговга қадар текшириш даврида ушбу Кодекс талабларига мувофиқ олинган маълумотлар ҳам далил сифатида эътироф этилади".

Хуқуқни қўллаш амалиётида фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоли ҳолатлардан яна бири уларга жиноят ҳақида берган хабарлари қабул қилиб олинган вақтини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилинмаслигидир. Масалан, фуқаро томонидан унга тан жароҳати етказилганлиги тўғрисида берилган хабар ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига 2 январь кuni келиб тушди. Мазкур хабарни қайд этиш, рўйхатга олиш ва терговга қадар текширув ҳаракатлари кимга юклатилиши тўғрисида раҳбар томонидан резолюция қўйилиши ва тегишли ижрочига келиб тушиши учун камида 2-3 кун вақт ўтиб кетаётганлигини амалиёт кўрсатмоқда. Шундай ҳолатда тегишли ижрочи томонидан терговга қадар текширув муддати хабар келиб тушган кундан эмас, балки у томонидан ижрога қабул қилиб олинган кундан ҳисобланмоқда. Фуқаро томонидан унинг аризаси ўн кунлик муддатда кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида қилинган эътирозга терговга қадар текширувни олиб бораётган мансабдор шахс томонидан ариза иш юритувига 2-3 кун кейин олинганлиги вaж қилиб кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, ЖПК 330-моддасига кўра терговга қадар текширув натижалари бўйича қабул қилинадиган қарордан бири бу ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарордир. Лекин жиноят-процессуал қонунчиликда терговга қадар текширув органи томонидан қанча муддатда ариза ёки хабарнинг ўзининг терговга тегишлилиги масаласига ойдинлик киритиши, ариза ёки хабарни кейинги қабул қилиб олган орган терговга қадар текширув муддатини қачондан ҳисоблаши масалалари очиқ қолган. Бу эса, баъзи ҳолатлардан битта аризанинг бир неча ойлар давомида бир неча терговга қадар текширув органлари орасида "сарсон" бўлишига олиб келмоқда.

Бу каби ҳолатлар нафақат бир неча терговга қадар текширув органлари битта терговга қадар текширув органининг бир неча бўлинмалари ўртасида ҳам юз бермоқда. Масалан, келиб тушган хабар ИИБ навбатчилик қисмида рўйхатга олиниб, ИИБ бошлиғи томонидан Жиноят-қидирув бўлиммаси бошлиғига ижросини таъминлаш учун топширилди. У томонидан ижро учун тезкор-ходимга

топширилган ариза, кейинчалик ИИБ Тергов бўлинмасига, кейинчалик ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмасига ўтиш ҳолатлари мавжуд. Шундай ҳолатларда бир неча кунлар давомида ариза юзасидан реал ишлар амалга оширилмасдан у ижродидан бу ижрочига хабарни ўтказиш орқали фуқаронинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари учрамоқда.

Дастлабки тергов жараёнида ҳам муддатларга амал қилиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш жараёнида ҳам бир қанча муаммоли ҳолатлар мавжуд.

Жумладан, тергов органлари томонидан узоқ давом этадиган тафтиш тергов ҳаракати давомида гарчи ЖПК 364-моддасида бундай асос кўрсатилмаган бўлсада, жиноят иши бўйича дастлабки терговни ЖПКнинг 364-моддаси 1-банди билан тўхтатиб қўйиш ҳолатлари учрамоқда.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 348-моддасида жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича ўтказиш ва 393-моддасида жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши билан боғлиқ қоидалар акс этирилган бўлиб, аммо унда ушбу ҳаракатларни бажаришни тартибга соладиган муддатлар назардан четда қолган. Ушбу процессуал ҳаракатларнинг муайян муддат билан тартибга солинмаслиги жиноят ишини тергов қилиш ва судлов ишларининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу боис, жиноят-процессуал босқичларнинг изчиллигига ва кетма-кетлигига бевосита таъсир этадиган мазкур ҳаракатлар учун қонунда оқилона муддат белгилаш мақсадга мувофиқ.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга мувофиқ, муддатлар соатлар, суткалар ва ойлар билан билан ҳисобланади. Шунингдек, қонунчилик муддатларни йиллар билан ҳисоблаш тартибини ҳам назарда тутган (Масалан, ЖПКнинг 500-моддасига асосан, шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади). Лекин, бу ЖПКнинг 314-моддасида акс этмаган.

Хорижий давлатлар тажрибаси. МДҲга аъзо давлатлардан Белорусия ЖПКнинг 172-моддаси, Россия Федерацияси ЖПКнинг 144-моддаси, Тожикистон ЖПКнинг 145-моддаси ҳамда Қозоғистон ЖПКнинг 183-моддасида ўзгача тартиб, яъни жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг ҳар қандай содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳал этиш мажбурияти билан бирга аризачига ариза ёки хабарнинг қачон ва ким томонидан рўйхатга олинганлигини кўрсатувчи ҳужжатни топшириши ҳам кафолатланган.

Бу қайдани миллий ЖПКмизга киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг самараси жиноятга оид хабарнинг албатта рўйхатга олинishi ва текшириш муддатига қатъий риоя этган ҳолда ўз муддатида ҳал этилишида намоён бўлади.

Процессуал муддатлар масаласи бўйича хориж тажрибаси, жумладан Россия Федерацияси тажрибаси шуни кўрсатадики, РФ ЖПКда жиноят процессининг принципларидан бири сифатида жиноят ишлари юритувининг "оқилона муддати" принципи назарда тутилган ва унга кўра судга қадар жиноят ишини юритишда терговнинг оқилона муддати жиноят иши қўзғатилган вақтдан эмас, балки жиноят ҳақида хабар келиб тушган вақтдан бошланиши белгиланган (РФ ЖПК 6.1-моддаси, 3.1 қисми).

Терговга қадар текширув даврида миллий қонунчилигимизда кузатилаётган муаммоли ҳолатлар Россия қонунчилигида ҳам кузатилиб, бугунги кунда рус олимлари (Гаврилов Б.Я., Деришев Ю.В., Дикарев И.С., Кругликов А.П. ва бошқалар) ҳамда амалиётчилари (Кожокаръ В.В. ва бошқалар) орасида жиноят иши қўзғатишни жиноят процессининг бошқичларидан қаторидан чиқариш масаласи фаол муҳокама қилинмоқда. Бунга Европа ва МДХнинг бир қатор давлатлари (Латвия, Молдова, Украина, Қозоғистон) тажрибаси асос бўлмоқда.

Жиноят иши қўзғатишни бошқич сифатида жиноят процессидан чиқариш масаласи Беларус Республикасида ҳам фаол муҳокама қилинмоқда.

Шунингдек, Россия ва МДХ давлатлари орасида жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатишда процессуал муддатларни ҳисоблаш масалалари бўйича турли хил фикрлар илгари сурилмоқда. Жумладан, Ю.В.Даровский томонидан дастлабки терговни тўхтатишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган асослари қатъий бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин этиш мумкин эмаслиги илгари сурилса, бошқа муаллифлар (Элькин П.С. ва Сергеев К.А.) бошқа ҳолатлар (масалан, ўтказилиши узоқ муддат талаб қиладиган тафтиш тайинланиши) вужудга келганда ҳам дастлабки терговни тўхтатиш мумкинлигини таъкидлаган.

Шунга кўра, бугунги кунда рус қонуншунослари орасида жиноят ишларини юритишнинг оқилона муддатини жиноят процессида айбланувчи тариқасида жалб қилиниши мумкин бўлган шахс пайдо бўлган вақтдан бошлашни жорий қилган ҳолда муддатларни ҳисоблашни дифференциациялаш зарурати муҳокама қилинмоқда.

Фарб давлатлари жиноят процессуал қонунчилигига эътибор берадиган бўлсак, судгача бўлган иш юритишда турли ҳил процессуал муддатларга дуч келамиз. Масалан, АҚШда қамоққа олинганларни сақлаш муддатлари 1974 йил қабул қилинган "Суд муҳокамасини тезлаштириш" (Federal Speedy Trial Act) Федерал қонунида мустақамланган. Унга кўра, қамоқда сақлаш муддати суд жараёни бошлангунга қадар 100 кундан ошмаслиги лозим (алоҳида ҳолларда 130 кун). Яъни, бунда шахс қамоққа олингандан сўнг узоғи билан 30 кунда айблов акти тасдиқланиши лозим (жиноятнинг хусуситига қараб бу муддат яна 30 кунга узайтирилиши мумкин). Шунингдек, айблов акти тасдиқлангандан сўнг 70 кундан кечиктирмасдан суд муҳокамаси бошланиши лозим. Бу муддатларга риоя этмаслик жиноий таъқибнинг бекор бўлишига олиб келади.

АҚШда 1974 йилда қабул қилинган "Суд муҳокамасини тезлаштириш" қонунига кўра [1], агар ишда иштирок этаётган адвокат ёки прокурорнинг лоқайдлиги ёки ўз вазифасини суистемол қилиши натижасида процессуал муддатларни қўпол равишда бузилишига йўл қўйса ва бунинг натижасида айбланувчи қамоқда асоссиз равишда узоқ сақланишига сабаб бўлса, суд айбдор адвокатни унга тегишли гонорарнинг 25% миқдоридан маҳрум этиши ёхуд олинган гонорарнинг 25% миқдоридан жарима солиши назарда тутилган.

Хулоса ва таклифлар. Миллий жиноят-процессуал қонунчилик таҳлили ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суришимиз мумкин.

Биринчидан, терговга қадар текширув институтини тўлиқ такомиллаштириш. Бунда жиноят ҳақида келиб тушган хабарнинг қайд қилинганлигини англаувчи расмий ҳужжатни муурожаат муаллифига тақдим қилиш тартибини ишлаб чиқиш, хабарни текширув ҳаракатларини ташкил қилиш учун терговга тегишлилигига

кўра бошқа органга ўтказишнинг аниқ муддат ва тартибини белгилаш, прокурорлар томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарорларини бекор қилиш ва қўшимча текширув ҳаракатларини ташкиллаштириш учун ҳужжатларни терговга қадар текширув органига юборишни процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, қўшимча текширув даврида муддатни узайтириш масаласини ҳуқуқий тартибга солиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш ёхуд терговга қадар текширув ва жиноят иши қўзғатиш босқичларини жиноят процесси босқичларидан чиқариш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинади.

Иккинчидан, терговга қадар текширув даврида ўтказилган тергов ҳаракатлари суриштирув ва тергов даврида такроран ўтказилишининг олдини олиш мақсадида ЖПКнинг 81-моддасини "жиноят ҳақида хабарни терговга қадар текшириш даврида ушбу Кодекс талабларига мувофиқ олинган маълумотлар ҳам далил сифатида эътироф этилади" мазмунидаги тўртинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, жиноят ишлари терговга тегишлилигига кўра у органдан бу органга ёки судловга тегишлилигига кўра у суддан бунисига ўтказилганида муддатларни ҳисоблаш масаласини процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Тўртинчидан, жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш асосларини қайта кўриб чиқиш ва бунда узок вақт талаб қиладиган тафтиш ўтказилаётган вақтда жиноят ишини тўхтатиш, айбланувчи аниқланмаган ёки яширинган ва қаердалигини аниқлаб бўлмаган ҳолатларда дастлабки терговни тўхтатиш масалаларини қаратиш таклиф қилинади.

Ушбу масалаларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида тўғри ҳал қилиниши ва мукамал ўз аксини топиши процессуал муддатларни ҳисоблаш, қисқа муддатда ҳақиқатни аниқлаш ва одил судловни рўёбга чиқариш, бу жараёнда инсон, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари таъминланишига мустақкам замин яратади, деган фикрдамыз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хатмуллин К.Ю. Правовая природа процессуальных сроков в уголовном судопроизводстве. <http://cyberleninka.ru> (Xatmullin K.Yu. The legal nature of the procedural terms in criminal proceedings. <http://cyberleninka.ru>)

2. Сокол Р.П. Процессуальные сроки в судебных стадиях уголовного судопроизводства Российской Федерации: правовая регламентация и процессуальные особенности. Автореферат. дисс.канд. юрид. наук. - Владимир, 2008, -С.3-4. (Sokol R.P. Procedural terms in the judicial stages of criminal proceedings in Russian Federation: legal regulation and procedural peculiarities. Abstract Diss ... Cand. legal sciences. - Vladimir, 2008, pages 3-4.)

3. Кадырова М.Х. Жиноят-процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар. Ю.ф.н олиш учун ёзилган дисс. - Т:2011. Б.23. (Kadirova M.X. Perfection of criminal procedural terms: necessity and opportunities. Diss ... Cand. legal sciences. - T:2011. page 23.)

4. Kerry J. Eudy, JD, PhD. Speedy Trial Act of 1974. <http://www.jaapl.org/content/35/3/393.full>

МУНДАРИЖА

1. Fayzullaeva Nigora. INTERNATIONAL COOPERATION ON PROTECTION OF CULTURAL VALUES AS A PROGRESSIVE INSTITUTE OF INTERNATIONAL LAW.....	4
2. Bakhtiyor Rajabov. RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE RULES FOR GENERAL CONDITIONS OF PROVING IN CRIMINAL PROCEDURE.....	10
3. Davletov Utkirbek Matmuratovich. THE CONCEPT OF OPENNESS IN MILITARY COURT PROCEEDINGS: ITS MEANING, PURPOSE AND LEGAL NATURE.....	17
4. Mukhiddinov Abror Khikmatovich. CAUSES AND CONDITIONS OF FRAUD AND ITS PREVENTION.....	22
5. Q.Matkarimov. PARTICIPATION IN THE CRIMINAL PROCESS OF EXPERTS AND SPECIALISTS: ANALYSIS OF THE HUMANISTIC APPROACH.....	28
6. Nematov Jurabek Nematilloevich. GENERAL CHARACTERISTICS OF THE EMERGENCE OF THE LEGISLATIVE BASES OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	38
7. Abdullaev Rustam Qakhramnovich. RECOGNITION OF ELECTRONIC MEDIA AND THE INFORMATION IN THIS INFORMATION BY MATERIAL PROOF. PROCEDURAL METHODS OF THEIR RECEPTION.....	54
8. Isamutdinov Ravshan Rakhmonovich. LEGISLATIVE-INSTITUTIONAL BASES OF SOCIAL UNIONS, PERFORMING AN ASSISTANCE FOR GRANTING SOCIAL SECURITY.....	60
9. Egamberdiev Dilshod. ISSUES FOR DETERMINING THE SUB-DEPENDENCE OF CASES FOR THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY.....	67
10. Alimov Mukhammadjon Islomiddin ugli. THE SOCIAL NECESSITY OF THE PROCEEDINGS BEFORE THE TRIAL ON THE SERVICEMEN'S OFFENSES.....	72
11. Feruz Khurramovich Khudaykulov. THE WAYS LEGALIZATION OF REVENUE FROM CRIMINAL ACTIVITIES: ANALYSIS AND PROPOSALS.....	80
12. Mavlanov Kamoliddin Tuychievich IMPROVING OF THE ORDER OF CALCULATION OF PROCESS TERMS.....	88

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**

JOURNAL OF LAW RESEARCH

2019 №4



Масъул муҳаррир: Шохруд Файзиев

Мусахҳиҳ: Сураё Раҳмонова

Техник муҳаррир: Акбар Юлдашев

**Контакт Редакция журнала "Правовые исследования":
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**